БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 93 (324)
12 МАЙ ПАЙШАНБА 1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ССР Иттифоқи Министрлар Совети СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирларини маблағ блан та'минлаш учун аҳолининг маблағларини жалб этиш мақсадида 32 миллиард сўм миқдорида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1955 йилги) Давлат заёми чиқаришга қарор қилди. Совет кишилари янги Давлат заёми чиқариш тўғрисидаги бу қарорни зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар.

ЯНГИ ДАВЛАТ ЗАЁМИ

ССР Иттифоқи Министрлар Совети СССР халқ хўжалигини янада ривожтириш тадбирларини маблаг блан та'минлаш учун аҳолининг маблағларини жалб этиш мақсадида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1955 йилги) Давлат заёмини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор ва янги Давлат заёмини чиқариш шартлари матбуотда э'лон қилинмоқда.

Областимиз меҳнаткашлари янги Давлат заёмини чиқариш тўғрисидаги қарорни зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар. Давлат бюджетининг бошқа ҳамма даромадлари каби заёмдан келадиган маблағлар ҳам социалистик экономиканинг барча тормоқларини янада ривожлантириш учун, мамлакат мудофаасини та'минлаш ва Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш учун фойдаланилади. Бундан илгари чиқарилган заёмлар сингари бу заём ҳам бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари муваффақиятли бажаришга ҳамда ишчилар, колхозчилар, интеллигенциянинг моддий ва маданий талабларини максимал даражада қондиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ҳарбир совет ватанпарвари заёмга ёзилишни ўзининг улуғ граждан-лик бурчи деб билади.

Кеча кечқурун, ҳукуматнинг янги заём чиқариш тўғрисидаги қарори радио орқали ўқиб эшитдирилиши блан оқ саноат корхоналари ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, машина-трактор станцияларида муассаса ва ўқув юртларида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат заёмига ёзилиш яқдиллик блан бошланиб кетди. Ҳамма жойда янги заёмга ёзилиш совет ватанпарварлиги ҳисси мислсиз ошган бир вазиятда, меҳнаткашларнинг зўр бирдамлиги блан ўтаётир. Ишчилар, колхозчи деҳқонлар ва совет интеллигенцияларининг янги Давлат заёмига ёзилиш муносабати блан тўпланган кўпкишилик йиғилишлари ва митинглари шонли Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига ва улуғ социалистик Ватанимизга чексиз садоқат намойишига айланмоқда. Бу йиғилиш ва митингларда сўзга чиққан нотиқлар совет заёмларининг моҳияти тўғрисида, унинг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида қизғин блан гапирмоқдалар.

Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводининг старший мастери ўртоқ Юсупов завод ишчиларининг йиғилишида сўзга чиқиб, бундай деди:

— Биз, совет замонида тўқ ва фаровон ҳаёт кечираётган энг бахтиёр кишиларміз. Улуғ Коммунистик партиямиз бизни коммунизм галабалари сари бошлаб бормоқда. СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат заёмига аҳил бўлиб ёзилиш блан жонажон Совет ҳукуматига, шонли Коммунистик партияга бўлган садоқатларимизни яна бир марта намойиш қиламиз. Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлашга, мамлакатимизда коммунизм қурилиши сур'атларини тезлаштириш ишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Қаҳрамон совет халқи Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш блан меҳнат қилмоқда. Ўз социалистик Ватанининг шон ва шуҳратини янада ошириш ғояси блан илҳомланган совет кишилари партия ва ҳукуматнинг оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қаратилган сиёсатини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар ва астойдил ма'қулламоқдалар. Оғир индустрия бутун халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, халқ моддий ва маданий фаровонлигини оширишнинг асоси, Ватанимиз қудратини ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг негизидир. Кейинги тўрт йил мобайнида саноатимизнинг ялпи маҳсулоти 65 процент кўпайди. 1954 йилда СССР саноатининг маҳсулоти 1940 йилдагига нисбатан 2,8 баравар, оғир саноат маҳсулоти эса 3,4 баравар ортди. Чинакам халқ заёмлари бўлган совет заёмларидан тушадиган маблаглар янги гигант заводлар ва фабрикалар, шахталар, электростанциялар ва маданий-маиший муассасалар қуришга сарфланади.

КПСС Марказий Комитетининг кейинги вақтларда бўлиб ўтган Пленумлари қарорларида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин суратда ривожлантириш программаси ишлаб чиқилди. Партия ва ҳукумат саноатни ривожлантиришга э'тиборни сусайтирмагани ҳолда, социалистик қишлоқ хўжалигини ҳам ҳаргарафлама юксалтириш учун жуда катта аҳамият бермоқдалар. Фаровонлик, бахт-саодат заёми бўлган совет заёмларидан келадиган маблаглар янги ерларни ўзлаштириш учун, янги МТС ва совхозлар барпо этиш ва янгидан-янги моддий бойликлар яратиш учун сарф қилинади.

Тинчликнинг мустаҳкам қўрғони бўлган Улуғ Совет Иттифоқи тинчлик, демократия ва социализм лагерига бошчилик қилиб, атом қуролини тақиқлаш ва атом урушининг олдини олиш учун курашмоқда. Бутун дун'ё халқлари Совет Иттифоқининг шу йўлдаги курашини қўллаб-қувватламоқдалар. 10 майда Ватанимиз пойтахти Москвада очилган тинчлик тарафдорларининг Бутуниттифоқ бешинчи конференцияси совет кишиларининг тинчликка бўлган қат'ий иродасини, тинчлик ишини узил-кесил ғалаба қозонгунча қат'ият блан ҳимоя этишга қарор берганликларини намойиш қилмоқда. Тинчлик, ижодий меҳнат заёми бўлган совет заёмлари бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига, улуғ социалистик давлатимизнинг куч ва қудратини янада оширишга хизмат қилади.

Корхоналарда, муассасаларда, колхоз, совхоз ва МТСларда ҳамда ўқув юртларида янги Давлат заёмининг аҳамияти ва шартлари тўғрисида оммавий-тушунтириш ишларини кучайтириб юбориш — маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Бу эса заёмга ёзилишни муваффақиятли ўтказишни та'минлайди. Шубҳа йўкки, областимиз меҳнаткашлари ҳар галдагидек бу сафар ҳам янги Давлат заёмига зўр уюшқоқлик ва бирдамлик блан ёзилиб, Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига ўзларининг садоқатларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатадилар.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1955 йилги) Давлат заёмини чиқариш тўғрисида

ССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирларини маблаг блан та'минлаш учун аҳолининг маблағларини жалб этиш мақсадида ССР Иттифоқи Министрлар Совети **қарор қилди:**

1. СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1955 йилги) Давлат заёми 32 миллиард сўм миқдорида 20 йиллик муддат блан чиқарилсин.

2. Заём облигациялари ва улардан келадиган ютуқлар давлат солиқлардан ва маҳаллий солиқлардан ҳамда йиғимлардан озод қилинсин.

3. СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1955 йилги) Давлат заёмини чиқариш тўғрисида СССР Молия министрлиги томонидан тақдим этилган шартлар тасдиқлансин.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1955 йилги) Давлат заёмини чиқариш ШАРТЛАРИ

1. СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1955 йилги) Давлат заёми 1955 йилнинг 1 ноябридан 1975 йилнинг 1 ноябригача бўлган муддатга чиқарилади.

2. Заём фақат аҳоли ўртасида тарқатилади. Заёмни тарқатиш тартибини СССР Молия министрлиги белгилайди.

3. Заём разрядларга бўлинади ва ҳарбир разрядда 100 миллион сўмдан бўлади.

Ҳарбир разряд 20.000 сериядан иборат бўлади. Ҳарбир разрядаги сериялар № 180.001 дан № 200.000 гача бўлади.

Ҳарбир сериядаги облигациялар № 01 дан № 50 гача бўлади.

4. Заём облигациялари 500, 200, 100, 50, 25 ва 10 сўмлик қилиб чиқарилади.

500 ва 200 сўмлик облигациялар ҳарбир сериянинг бешта ёки иккита юз сўмлик облигацияларидан иборат бўлиб, уларга бешта ёки иккита номер қўйилади ва бу номерлар беш ёки икки ютуқ олиш ҳуқуқини беради. Бу ютуқлар облигацияларда кўрсатилган номерларнинг ҳарбирига бир йўла чиқади.

50, 25 ва 10 сўмлик облигациялар юз сўмлик облигацияларнинг қисмлари бўлиб, улар юз сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг тегишли ҳиссасини (1/2, 1/4, 1/10 ҳиссасини) олиш ҳуқуқини беради.

5. Заём облигациялари бўйича бутун даромад ютуқ шаклида тўланади.

Ютуқларнинг умумий суммаси заёмнинг йигирма йиллик муддати давомида йилига ўртача 2 процент ҳисобидан белгиланган.

Заёмнинг йигирма йиллик муддати мобайнида барча облигацияларнинг 25 процентига ютуқ чиқади, облигацияларнинг қолган 75 проценти эса уларнинг ўз қиймати тўланиб қайтариб олинади.

Ютуқ чиққан облигацияларнинг пули тўланади ва бу облигациялар шундан кейинги тиражларда қатнашмайди.

Заём ютуқлари юз сўмлик облигация учун 5.000, 1.000, 500 ва 200 сўм миқдорида белгиланади. Бунга облигациянинг ўз қиймати (юз сўм) ҳам киради.

6. Заёмнинг йигирма йиллик муддати мобайнида ҳар йили иккитадан, жам'и 40 марта ютуқ тиражи ўтказилади.

Ютуқ тиражлари 1956 йилдан бошлаб, СССР Молия министрлиги томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади.

7. Ютуқ тиражларида заёмнинг ҳарбир разрядига, я'ни заёмнинг ҳар 100 миллион сўмига қуйидаги миқдорда ютуқлар ўйналади:

Юз сўмлик облигацияга чиқадиган ютуқларнинг миқдори, бунга облигацияларнинг ўз қиммати ҳам киради.	Ўйналадиган ютуқларнинг миқдори.	
	Бир тиражда.	40 тиражнинг ҳаммасида.
5.000 сўм	3	120
1.000 сўм	30	1.200
500 сўм	300	12.000
200 сўм	5.917	236.680
Ютуқларнинг умумий миқдори	6.250	250.000
Ютуқларнинг умумий сўммаси (сўм ҳисобида).	1.378.400	55.136.000

8. Ютуқ чиқмай қолган облигациялар 1960 йил 1 ноябрьдан бошлаб заём муддатининг охиригача қолган 15 йил ичида шу облигацияларнинг ўз қиммати тўланиб, қайтариб олинади.

Заёмнинг ҳар 100 миллион сўмидан 1960—1965 йиллар мобайнида ҳар йили 1.250.000 сўмлик, 1966—1970 йиллар мобайнида ҳар йили 3.000.000 сўмлик, 1971—1975 йиллар мобайнида ҳар йили 10.500.000 сўмлик облигация қайтариб сотиб олинади.

1960—1974 йиллар мобайнида қиммати тўланиб, қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган заём облигациялари ҳар йили ўтказиладиган қимматини тўлаш тиражлари блан белгиланади. Қимматини тўлаш тиражларини ўтказиш муддатларини СССР Молия министрлиги белгилайди.

Қимматини тўлаш тиражларида чиқмай қолган облигациялар 1975 йил 1 ноябрьдан бошлаб қайтариб сотиб олинади.

9. Ютуқ чиққан облигациялар, шунингдек ўз қимматларига қараб қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган облигацияларнинг пулини 1976 йилнинг 1 ноябригача олиш мумкин. Шу муддат ўтгандан кейин пули қайтариб олинмаган облигациялар ўз кучини йўқотади ва уларга пул тўланмайди.

СССР Молия министри А. ЗВЕРЕВ.

Тинчлик тарафдорларининг бешинчи Бутуниттифоқ конференцияси

10 майда Москвада, Союзлар Уйининг Колонна залида тинчлик тарафдорларининг бешинчи Бутуниттифоқ конференцияси очилди. Конференцияга Совет Иттифоқининг ҳамма республикаларидан, ўлка ва областъларидан делегациялар келди. Мажлис залида чет эллардан келган жуда кўп меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Конференцияни Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг раиси ўртоқ Н. С. Тихонов очди. Президиум, секриториат ва мандат комиссияси сайлангандан кейин конференция қуйидаги кун тартибини қабул қилди:

1. Ҳозирги халқаро аҳвол ва халқларнинг тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги кураши.

2. Хельсинкида бўладиган Жаҳон Тинчлик Ассамблеясига совет делегациясини сайлаш.

3. Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитетини сайлаш.

Ҳозирги халқаро аҳвол ва халқларнинг тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги кураши тўғрисида Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети президиумининг а'зоси ўртоқ А. Е. Корнейчук доклад қилди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЭСКИ АНГОР КАНАЛИГА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИНЧИ КОМСОМОЛИ НОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Эски Ангор канали қурилишида комсомол ва ёшларнинг актив қатнашганлигини ҳисобга олиб, жамоат ташкилотларининг илтимоси қондирилсин ва мазкур каналга Ўзбекистон Ленинчи Комсомоли номи берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ш. РАШИДОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ж. ИЛҲОМОВА.

1955 йил 9 май.
Тошкент шаҳри.

Областимиз меҳнаткашлари янги заёмга яқдиллик блан ёзилмоқдалар

Рассом А. Лавров ишлаган, давлат тасвирий сан'ат нашриёти чиқарган плакат. (ТАСС фотохроникаси).

Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1955 йилги) Давлат заёми чиқариш тўғрисидаги қарорини Қорасув районининг меҳнаткашлари зўр шодлик блан кутиб олдилар.

Жданов номли колхозда бўлган йиғилишда бригада бошлиғи ўртоқ Б. Умаралиев биринчи бўлиб сўзга чиқди. У ҳамманинг фикрини ифода қилиб, бундай деди:

— Ҳукуматимизнинг янги заём чиқариш тўғрисидаги қарорини яқдиллик блан ма'қуллаймиз. Бизнинг давлатга қарз берадиган ҳарбир сўмимиз жонажон Ватанимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлайди ва янада гуллаб-яшнашини та'минлайди.

Сўзга чиққан комсомол а'зоси Н. Усмонова, кекса колхозчи Н. Исматов ва бошқа ўртоқлар, янги Давлат заёмига ёзилиш блан бирга фидокорона меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ва ҳосилни ошириш учун курашажакларини айтдилар.

МТС ишчиларининг бирдамлиги

МИРЗАЧЎЛ (Телефон орқали олинди) 1-нчи МТС коллективи СССР Министрлар Советининг янги Давлат заёми чиқариш тўғрисидаги қарорини баланд кўтаринки руҳ блан кутиб олдилар. МТС ишчилари янги заём ҳақидаги қарорни радио орқали зўр қизиқиш блан тингладилар.

МТСнинг экономист-плановиги ўртоқ Муждабоев сўзга чиқиб, бундай деди:

— Янги заём халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилайди, мамлакатимизнинг қудратини янада оширади. Биз заёмга ёзилиш блан тинчликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган бўламиз. Мен бир ойлик иш ҳақим миқдорида янги Давлат заёмига ёзиламан.

8-нчи трактор бригадасининг бошлиғи ўртоқ Оқмуллаев бирярим ойлик иш ҳақи юзасидан заёмга ёзилди ва ғўза парваришини намунали ўтказишда муносиб ҳисса қўшиш мажбуриятини олди. МТС агрономи ўртоқ Мамажонов, Муждабоев ва Оқмуллаев ўртоқларнинг таклифларини қўллаб-қувватлади ва бирярим ойлик иш ҳақи юзасидан заёмга ёзилди.

МТС ходимларининг барчаси бирнеча соат ичида янги заёмга яқдиллик блан ёзилиб, юксак ватанпарварлик намуналарини намойиш қилдилар.

Тинчлик ва Ватанимиз хавфсизлиги учун

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг катта конференц залига тез вақт ичида кўп кишн тўпланди. Институт коллективи СССР халқ хўжалигини ривожлантириш янги Давлат заёмининг чиқарилиши тўғрисидаги хабарни ўз Ватани учун ватанпарварлик ифтихори блан кутиб олди.

— Биз ҳукуматнинг заём чиқариш тўғрисидаги қарорини қизғин табриклаймиз, — деди йиғилишда қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В. М. Легостаев. — Бу заём социалистик Ватанимиз қудратини янада оширишга ёрдам беради. Бу заём КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари блан белгиланган улуғвор вазифаларни тезроқ амалга оширишга имкон беради, жумладан, жонажон Совет Ўзбекистонимиз экономикаси ва маданиятининг янада гуллаб-яшнашини та'минлайди.

Халқимиз томонидан давлатга қарзга берилган жамғармалар илмий текширишларни янада кенгайтиришга, бутунича халқ манфаатларига хизмат қилаётган совет фанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга имкон беришини билиш жуда қувончлидир. Бизларнинг ҳарбиримиз заёмга шодлик блан ёзиламиз ва давлат томонидан фан учун чиқариладиган маблаглардан яхшироқ, рационал ва самарали фойдаланиш учун ҳамма ишларни қиламиз. Биз ишдаги ғайратимизни янада оширамиз ҳамда катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашда колхоз, совхоз ва МТСларга амалий ёрдам берамиз.

Йиғилишда иқтисодий фанлар кандидати Н. Г. Сапильников, старший илмий ходим А. Г. Дудко, институт ходими Н. И. Онегина сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси янги заёмнинг чиқарилиши совет халқи манфаатларига тамомила мувофиқ эканлиги тўғрисида гапирдилар ҳамда заём тинчлик ишига ва севикли социалистик Ватан хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилажагини та'кидладилар.

Заём тарқатиш бошланган дастлабки соатлардаёқ институт ходимларининг катта кўпчилиги заёмга ёзилиб бўлди. (ЎзТАГ).

ТЕЛЕГРАММА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. БУЛГАНИНГА

МОСКВА

Ҳурматли ўртоқ Булганин,

Бугун, ла'нати фашизм режими тор-мор қилинганига ва қаҳрамон Совет Армияси томонидан герман халқи озод қилинганига ўн йил тўлган кунда мен Сизга Германия Демократик Республикасининг Министрлар Совети ва аҳолиси номидан ҳамда ўз номимдан энг самимий қардошлик саломлари йўллайман. Герман халқи ўз ҳалоскорларининг, фидокорона курашлари блан янги, тинчликсевар, демократик Германия қуриш йўлини очиб берган ҳалоскорларининг шонли ишларини самимий ҳурмат ва миннатдорлик блан эсга олмоқда.

Антифашист — демократик кучлар ишчилар синфи раҳбарлигида Германиянинг бир қисмида тинчлик ва демократия йўлига зўр ишонч блан қадам қўйдилар. Ўзлари озод қилинганига ўн йил тўлган кунда республикамизнинг меҳнаткашлари анча катта муваффақиятларга эришганликларини қайд қилиб ўтаоладилар. Бу муваффақиятлар меҳнаткашларнинг ўз демократик ва тинчликсевар давлатини қуришда зўр ғайрат блан меҳнат қилганликлари туфайли қўлга киритилди.

Бироқ, тинчликсевар немислар биладиларки, улар улуғ социалистик Совет Иттифоқи хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўзининг бой тажрибасини ўргатиб, хомаш'ё, машиналар ва озиқ-овқат етказиб бериб, тинчликсевар немисларга доимо ёрдам кўрсатганлиги ва кўмаклашганлиги натижасида бу муваффақиятларга эришдилар. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи тинчликсевар немис халқига ўз ватанининг бирлигини тиклаш учун курашда гоят катта ёрдам кўрсатди.

Мана бунинг учун биз Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Ҳукуматига чин қалбдан ташаккур изҳор қиламиз. Биз совет халқининг бизларга кўрсатаётган ишончидан айниқса миннатдормизки, бу ишончни исботловчи далиллар жуда кўпдир.

Германия Демократик Республикасига бундан бир йилдан кўпроқ вақт илгариёқ тўла суверенитет берилди, бунинг натижасида Германия Демократик Республикаси барча тинчликсевар давлатлар блан тенг ҳуқуқли давлат сифатида эндиликда демократия ва социализм лагерида турибди. Совет Иттифоқи Германия блан уруш ҳолатини тўхтатди, бу эса мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга ёрдам берди. Яқиндагина Совет Иттифоқи 1945 йилда қўтқазилган энг қиймати сан'ат хазинаси — Дрезден суратлар галереясини қайтариб берди.

Мен барча тинчликсевар немис меҳнаткашлари номидан, ҳурматли ўртоқ Булганин, Сизга шуни ишонтириб айтишни истайманки, прогрессив немислар халқларимиз ўртасидаги мавжуд яқин ва қардошлик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш учун қўлларидан келган ҳамма нарсани қиладилар. Бутун герман халқи биладики, Совет Иттифоқининг куч-ғайрати туфайли, герман халқи ўз ватанининг бирлигини тезроқ тиклаш учун курашда ёлғиз эмас.

Бу масалани ҳал этишда қандай реал имкониятлар борлигини яқинда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Австрия ўртасида бўлиб ўтган музокаралар яққол кўрсатади. Бу битимлар Германия тинчликка ва тинчликсевардик ҳамда демократик асосда бирлашишга эришаолиши учун Париж битимларини тугатиш йўлидаги курашни давом этдиришда немислар учун ҳам янги стимул бўлди.

Социалистик салом блан

О. ГРОТЕВОЛЬ.

1955 йил 9 май.

ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАРНИ КАМАЙТИРИШ, АТОМ ҚУРОЛИНИ ТАҚИҚЛАШ ВА ЯНГИ УРУШ ХАВФИНИ ЙЎҚОТИШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ТАКЛИФИ

ДЕКЛАРАЦИЯ

Бош Ассамблея,

халқлар ўртасида тинчликни сақлаш юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти зиммасига юкланган буюк жавобгарликни **англаб,** ҳозирги вақтда давлатлар ўртасида бўлган муносабатларда вужудга келган аҳволга барча давлатларнинг э'тиборини жалб этишни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

Ҳали яқиндагина жуда кўп қурбонларга сабаб бўлган ва ғоят катта моддий вайронгарчилик келтирган иккинчи жаҳон урушини бошидан кечирган халқлар тинчликка бўлган қат'ий продаларини илгари ҳеҳқачон кўрилмаган даражада изҳор қилмоқдалар.

Халқларнинг тинчликка бўлган ана шу самимий интилиши ҳозирнинг ўзидаёқ шунга олиб келдики, Корея ва Ҳинди-Хитойда қон тўкишга хотима беришга мувоффақ бўлинди ва бу блан халқаро миқ'ёсда ҳал этилмаган бошқа проблемаларни ҳал этиш учун қулайроқ шароит вужудга келтириш имконияти туғилди.

Шу блан бирга, халқлар тинчлик тақдири учун ҳақли суратда қайғирмоқдалар, Европада ва Осиёда вужудга келган аҳвол муносабати блан тинчлик тақдири учун ҳақли суратда кўпроқ қайғирмоқдалар. Бу ҳол, жумладан Осиё ва Африка мамлакатларининг яқинда Бандунгда бўлиб ўтган конференцияси чиқарган қарорларда ўз ифодасини топди. Конференция тинчлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун курашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги вақтда дун'ёнинг ба'зи районларидаги вазият яхшиланиши ўёқда турсин, балки, аксинча мураккаблашиб бормоқда, давлатлар ўртасида ишончсизлик кучаймоқда. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда зарур бўлган ишончнинг йўқлиги Европада ҳам, Осиёда ҳам ҳал этилмаган проблемаларни ҳал этишга халақит бераётган асосий сабабдир.

Бу гап, даставвал, умумий тинчлик ва халқлар хавфсизлигини сақлаш учун асосий жавобгар бўлган буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларга тааллуқлидир.

Буюк давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида а'зо бўлган бошқа давлатлар блан биргаликда тинчликни ва халқаро хавфсизликни сақлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан ўз зиммаларига мажбурият олганликларига қарамай, улар ўртасидаги муносабатлар ана шу талабларга жавоб бермайди. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган ишончсизлик шунга олиб келдики, иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин, ўз оқибатлари жиҳатидан янада оғир бўладиган янги уруш хавфи пайдо бўлди.

Ана шу ишончсизлик натижасида ва аввало Хавфсизлик Кенгашининг доимий а'золари бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларда юз берган ишончсизлик натижасида зўр бериб қуролланиш тобора кенг миқ'ёсда авж олмоқда, армиялар, ҳарбий-денгиз флоти ва ҳарбий авиация тўхтовсиз тобора кўпаймоқда. Фан ва техниканинг энг буюк муваффақиятлари одамларни қирадиган энг кучли зўр вайронгарчилик воситаларини ишлаб чиқаришга қаратилган. Атом ва водород қуроли каби хавфли қурол турларини ишлаб чиқариш соҳасида зўр бериб қуролланиш айниқса кенг миқ'ёс олди.

Узоқларнинг территорияларида ажнабийларнинг жуда кўп ҳарбий базалари вужудга келтирилмоқда. Бу ҳол вужудга келтирилаётган ана шу базалар яқинидаги давлатларни ҳақли суратда ташвишга солмоқда. Бундай базаларнинг уюштирилиши ўз территорияларида ана шундай базалар вужудга келтирилаётган давлатларнинг ҳам хавфсизлигига бўлган таҳдидни кучайтирмоқда. Ана шу базаларнинг кўпидан ба'зи давлатлар томонидан атом уруши йўлида қўрилаётган тайёргарлик учун фойдаланилмоқда. Бундай базаларнинг мавжудлиги давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончсизликни янада кўпроқ кучайтирмоқда ва халқаро вазиятдаги кескинликни авж олдирмоқда.

Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, дун'ё кўп йиллардан буён «совуқ муносабатлар уруши» ҳолатида қолиб келмоқда, давлатларнинг ҳарбий тайёргарлиги эса, халқлар зиммасига тобора оғир юк бўлиб тушмоқда.

Бош Ассамблея 1947 йилдаёқ бир овоздан қабул қилган қарорида «уруш хавфини вужудга келтироладиган ёки кучайтираоладиган мақсадни, тинчликни бузиш ёки агрессия акти қилиш мақсадини кўзда тутган» пропаганданинг ҳарқандай формасини қоралаган эди. Шундай қарор бўлишига қарамай, бирқанча давлатларда янги уруш пропагандаси ошкора суратда олиб борилмоқда. Урушга да'ват этиш тўхтатилиши ўёқда турсин, балки матбуотда, радиода, кўпчилик орасида сўзланган нутқларда тобора авж олдирилмоқда. Шу блан бирга, кейинги вақтларда атом уруши бошлашга айниқса кўп да'ват қилинмоқда.

Кўп давлатлар ўртасида бирқанча йиллардан буён вужудга келган ва илгари традицион бўлиб қолган иқтисодий алоқалар ва савдо алоқалари бузилди. Бу эса халқаро миқ'ёсдаги иқтисодий ҳамкорлик учун ёмон оқибатлар рўй беришига сабаб бўлмоқда.

Рўй берган аҳвол халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончни ошириш учун зарур ва амалий тадбирлар кўришни талаб этади. «Совуқ муносабатлар уруши»га хотима берилган тақдирдагина, ба'зи давлатлар томонидан олиб борилаётган янги уруш пропагандаси ва шу блан бирга, халқлар ўртасида адоват ва душманликни авж олдиришга ҳамда халқларни бир-бирларига қарши гиж-гижлатишга хотима берилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин.

Ба'зи давлатларда уруш ваҳимасини кучайтиришга қаратилган пропаганда ва урушга чақириб қилинган да'ватлар ҳали ҳам давом этмоқда. Бу эса, халқаро вазиятда кескинликни ва давлатлар ўртасида ишончсизликни кучайтиради, шу блан бирга, янги жаҳон уруши хавфини кучайтиради, холос.

Бунинг аксича, давлатлар ўртасида «совуқ муносабатлар уруши» ҳолатини йўқотиш халқаро вазиятда кескинликни камайтиришга, халқаро муносабатларда зарур бўлган ишончни вужудга келтиришга, янги уруш хавфини йўқотишга ва халқларнинг тинч ҳамда осойишта яшаши учун шароит яратишга имконият туғдирган бўлар эди. Бу чора қуролсизланишдан иборат кенг программани амалга ошириш ва ана шу программанинг бажарилиши юзасидан халқаро миқ'ёсда зарур контроль ўрнатиш учун керакли шароитни вужудга келтирган бўлар эди.

Шу мақсадда Бош Ассамблея:

1. Бош Ассамблеянинг янги урушни пропаганда қилишнинг ҳарқандай формасини қоралаган қарорини қаттиққўллик блан бажариш, урушга ҳарқандай йўл блан да'ват этишни тўхтатиш ва матбуотда, радиода, кинода, кўпчилик орасида сўзланадиган нутқларда халқлар ўртасида адоватни авж олдиришни тўхтатиш учун зарур чоралар кўришни барча давлатларга **тавсия этади.** Бу тавсияга риоя қилмаслик давлатнинг халқаро миқ'ёсдаги ўз бурчини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида олган мажбуриятларини, я'ни ўзларининг халқаро муносабатларида куч ишлатиш ёки куч қўлланиш хавфига йўл қўймасликдан, территориал бутунликнинг ёки ҳарқандай давлат сиёсий мустақиллигининг бузилишига йўл қўймасликдан иборат мажбуриятларни бузиш деб қаралади.

2. Шу нарсани қониқиш блан қайд қиладики, Корея масаласи юзасидан, шунингдек Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатиш масаласи юзасидан манфаатдор давлатлар ўртасида олиб борилган музокараларда муваффақиятга эришилди. Корея масаласи юзасидан олиб борилган музокаралар Кореяда урушни тўхтатишга олиб келди. Ана шу муваффақиятлар туфайли Узоқ Шарқда урушнинг икки хавфли ўчоғи йўқотилди.

Манфаатдор давлатлар ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижасида Австрия блан Давлат шартномаси тузиш тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этиш имконияти туғилди. Бундай шартноманинг тузилиши мустақил Австрияни қайтадан тиклашни та'мин этади. Австрия масаласининг ҳал этилиши Европада тинчликни мустаҳкамлаш ишига янги муҳим ҳисса қўшади ва урушдан кейинги даврда ҳал этилмай қолган бошқа проблемаларни муваффақиятли суратда ҳал этиш учун шароит вужудга келтиришга ёрдам беради.

Буларнинг ҳаммаси халқаро миқ'ёсда ҳал этилмаган проблемаларни тинчлик манфаатларини, халқларнинг озодлиги ва миллий мустақиллиги манфаатларини кўзда тутиб, давлатлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал этиш учун тегишли имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини кўрсатади.

3. Бош Ассамблея тўрт давлат — Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франциянинг ўз оккупацион қўшинларини Германия территориясидан ўз миллий чегаралари доирасига дарҳол олиб чиқиб кетишлари халқаро вазиятдаги кескинликни камайтиришга ва давлатлар ўртасида зарур ишончни вужудга келтиришга мос келган бўлар эди деб **ҳисоблайди.** Ана шу қўшинларни тамомила олиб чиқиб кетиш тўғрисида битим тузилганига қадар Германия территориясида вақтинча қолдириладиган жуда оз миқдордаги қўшинлар бундан мустаснодир. Германиянинг ҳар икки қисмида маҳаллий полиция кучларини жуда чекланган миқдорда сақлаш ва тегишли битимнинг бажарилиши юзасидан тўрт давлатнинг биргаликдаги контролини ўрнатиш ҳам ана шу мақсадларга мувофиқ бўлар эди.

Бош Ассамблея тўрт давлатнинг ўз қўшинларини Германия территориясидан олиб чиқиб кетиш мақсадида, шунингдек Европа хавфсизлиги манфаатларини ва Германияни бирлашган, тинчликсевар ҳамда демократик давлат сифатида миллий жиҳатдан бирлаштириш манфаатларини кўзлаб, Германия проблемасини ҳал этишни енгиллаштириш мақсадида кўраоладиган бошқа ҳарқандай тадбирларини табриклайди.

4. Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашининг доимий а'зоси бўлган давлатлар ўзгаларнинг территорияларида ажнабий ҳарбий базаларни тугатиш тўғрисида бир битимга келишларини ва бу ишнинг натижалари тўғрисида Хавфсизлик Кенгашига ҳамда Бош Ассамблеяга ахборот беришларини **зарур деб ҳисоблайди.** Бундай битим халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончсизликни йўқотиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлар эди ва зўр бериб қуролланишни тўхтатиш учун зарур шароитларни вужудга келтиришга ёрдам берган бўлар эди.

5. Бош Ассамблея атом материаллари ва атом энергиясини ишлаб чиқариш соҳасида тажрибага эга бўлган давлатларни атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида бошқа мамлакатларга ишлабчиқариш ва илмий-техника юзасидан кенг ёрдам кўрсатишга, бундай ёрдам бериш учун сиёсий ёки ҳарбий характердаги ҳеҳқандай талабларни шарт қилиб қўймасликка **чақиради.**

6. Узоқ Шарқнинг ба'зи районларида мавжуд бўлган кескин аҳвол янги уруш хавфини туғдиражагини ва умумий тинчликни сақлашда жиддий хавф вужудга келтиражагини э'тиборга олиб, Бош Ассамблея манфаатдор давлатларни Узоқ Шарқда ҳал этилмай қолган масалаларни суверенитет ва территориал бутунлик принципларига мувофиқ суратда ҳал этишга **чақиради.**

7. Бош Ассамблея давлатларнинг ўз иқтисодий муносабатларида улар ўртасидаги кенг иқтисодий ҳамкорликни ва, биринчи галда, савдо-сотиқ соҳасидаги кенг иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга халақит берадиган ҳарқандай камситишларни йўқотишларини **зарур деб топади.** Давлатлар ўртасида узоқ вақт мобайнида мавжуд бўлган савдо алоқаларининг узилиб қолганлиги хусусий манфаатларга ҳам, давлат манфаатларига ҳам зарар етказади. Ана шундай камситишнинг йўқотилиши ва ўзаро манфаатдорлик принципига асосланган халқаро савдо алоқаларининг кенг ривожлантирилиши давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради ва халқларнинг фаровонлигини ошириш имкониятини туғдиради. Халқаро савдо-сотиқни ривожлантириш йўлидаги ана шу ғовларни йўқотмай туриб, халқаро муносабатларда кескинликни ҳақиқатан ҳам юмшатишга эришиб бўлмайди.

Халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш, жумладан, бир-бирларига делегациялар юбориб туриш ва саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, фан, маданият, сан'ат арбобларининг, студентлар делегацияларининг бир-бирларига бориб туришлари йўли блан ва туризмни ривожлантириш йўли блан ана шундай халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳам халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшилаш ва уларни бир-бирларига яқинлаштиришнинг муҳим воситасидир.

8. Бош Ассамблея мазкур Декларациядаги қоидаларнинг давлатлар томонидан бажарилиш натижалари тўғрисидаги масалани ўзининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритишга **қарор қилади.** Бунда шуни кўзда тутиш керакки, Декларациядаги қоидаларнинг амалга оширилиши халқларнинг тинчликка бўлган интилишларига жавоб беради, давлатлар ўртасида зарур ишонч вужудга келтиришга ёрдам беради ва бу блан қуролсизланишдан иборат кенг программани амалга оширишни ва ана шу программанинг бажарилиши юзасидан халқаро миқ'ёсда самарали контроль ўрнатишни енгиллаштиради.

ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАРНИ ҚАМАЙТИРИШ ВА АТОМ ҚУРОЛИНИ ТАҚИҚЛАШ ЮЗАСИДАН ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бош Ассамблея (Хавфсизлик Кенгаши)

Инсониятни янги қирғинчилик урушидан халос қилишга, давлатлар ўртасидаги муносабатларда кескинликни юмшатишга, халқларни зўр бериб қуролланиш давом этаётганлиги сабабли тўлаётган солиқ машаққатларидан қутқазишга **интилиб,**

бўшаб қолган ресурслардан халқларнинг фаровонлигини ошириш учун ва иқтисодий жиҳатдан оз ривожланган мамлакатларга кенг ёрдам кўрсатиш учун фойдаланиш имкониятини та'минлашни **истаб,**

БМТнинг қуролсизланиш комиссиясига «Қурол-яроғларни қамайтириш ва атом, водород қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролларининг бошқа турларини тақиқлаш масаласи юзасидан халқаро конвенция (шартнома)» проектини ишлаб чиқиб, Хавфсизлик Кенгашининг тасдиқига тақдим этишни **топширади.**

Тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадини кўзлаган бундай конвенция қуйидагиларни назарда тутиши керак:

а) ядро қуролини ҳам, ялпи қирғин қуролининг ҳамма турларини ҳам қўлланиш ва ишлаб чиқаришни тамомила тақиқлаш, шунингдек ядро қуролининг мавжуд запасларидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш;

в) барча қуролли кучларни ва одатдаги қурол-яроғларнинг ҳаммасини анча қамайтириш;

с) тақиқлаш ва қамайтириш соҳасида ўзаро келишилган тадбирларга барча давлатларнинг бирхил даражада самарали риоя қилишини гарантиялайдиган тегишли ҳуқуқлар, ваколатлар ва функцияларга эга бўлган контроль органни тузиш.

Шунга биноан, конвенция (шартнома) давлатларнинг одатдаги қурол-яроғларини қамайтириш, атом, водород қуролини ва ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш тадбирларини амалга оширишга тааллуқли қуйидаги асосий қоидаларни, шунингдек мазкур тадбирларни икки давр мобайнида амалга ошириш тартибини ўз ичига олиши керак.

Биринчи давр — 1956 йил мобайнида амалга ошириладиган тадбирлар

1956 йил мобайнида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Конвенция (шартнома)да қатнашучи давлатлар қурол-яроғларни ва қуролли кучларни қамайтириш йўлидаги биринчи қадам сифатида ўз қуролли кучлари ва одатдаги қурол-яроғларини 1954 йил 31 декабригача мавжуд бўлган қурол-яроғлар ва қуролли кучлар даражаси нисбатан оширмаслик мажбуриятини оладилар. Улар қуролли кучлар ва қурол-яроғларга, шу жумладан атом қуролига чиқарадиган маблағларини 1954 йил 31 декабрьда тамом бўлган йил мобайнида ана шу мақсадда қилинган харажатлар миқдорига нисбатан оширмаслик мажбуриятини ҳам оладилар.

Тегишли битим кучга кирган пайтдан бошлаб 2 ой мобайнида мазкур тадбирлар амалга оширилади.

Конвенция (шартнома) кучга кирганидан кейин, АҚШ, СССР, Хитой, Англия ва Франция ўзларининг қуролли кучлари, одатдаги қурол-яроғлари тўғрисидаги ва ҳарбий эҳтиёжларга қилинаётган харажатлар ҳақидаги тўла расмий ма'лумотларни бир ой ичида Қуролсизланиш комиссиясига тақдим этадилар.

2. Қуролли кучларнинг ўзаро келишилган шундай бир даражаси белгиланадики, ҳамма давлатларнинг шу даражадан ошадиган қуролли кучлари ана шу даражагача қамайтирилади, токи, ҳеҳқайсибир давлат халқаро тинчликка жиддий хавф туғдираоладиган қуролли кучларга эга бўлмасин. АҚШ, СССР, Хитой, Англия ва Франциянинг қуролли кучлари кўпроқ қамайтирилади. Шу мақсадда мазкур беш давлат ўз қуролли кучлари миқдорини қисқартиш мажбуриятини олади, токи бу қуролли кучлар қуйидаги миқдорлардан ошмасин:

АҚШ	—	1.000.000 кишидан 1.500.000 кишигача
СССР	—	1.000.000 кишидан 1.500.000 кишигача
Хитой	—	1.000.000 кишидан 1.500.000 кишигача
Англия	—	650.000 киши
Франция	—	650.000 киши

Беш давлат одатдаги қурол-яроғларини ҳам шунга мувофиқ қамайтириш мажбуриятини олади.

Мазкур беш давлат ўз қуролли кучлари ва қурол-яроғларининг 1954 йил 31 декабрьгача мавжуд бўлган даражаси блан ва шу давлатларнинг қуролли кучлар ва қурол-яроғларнинг юқорида айтилганича, қабул қилинган мажбуриятларига мувофиқ қисқартирилган даражаси ўртасидаги тафовутнинг 50 процента миқдорида бир йил мобайнида қамайтиради.

Давлатларнинг қуролли кучларга ва одатдаги қурол-яроғларга чиқарадиган маблағлари шунга мувофиқ суратда қамайтирилади.

3. Қурол-яроғларни ёшасига қамайтириш ва атом қуролини тақиқлаш юзасидан БМТ а'золари бўлган давлатларнинг ва БМТда а'зо бўлмаган давлатларнинг иштироки блан 1956 йилнинг биринчи ярмидан кечиктирилмай, Жаҳон Конференцияси чақирилсин. Бундан мақсад — бошқа давлатлар қурол-яроғлари ва қуролли кучларини қисқартиш миқдорларини белгилаш ва атом қуролини тақиқлашдан иборат.

Бошқа давлатларнинг сақлаши учун рухсат бериладиган қуролли кучларнинг миқдори ҳамма ҳолларда, Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш а'зоси учун белгиланган даражадан анча кам бўлади.

Давлатларнинг, шу жумладан, Хавфсизлик Кенгашида доимий а'зо бўлган давлатларнинг қурол-яроғларни қисқартиш миқдорлари белгиланган вақтда ўзаро келишилган оддий критериялар ҳисобга олиниши керак, бу критериялар демографик, географик факторларни, иқтисодий ва сиёсий факторларни ўз ичига олиши керак. Бунда умумий тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда агрессия хавфини камайтириш кўзда тутилиши лозим.

4. Атом ва водород қуролига эга бўлган давлатлар қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш программасини амалга оширишда биринчи галдаги тадбирлардан бири сифатида ана шу қурол турларини синаб кўришни тўхтатиш мажбуриятини оладилар.

Давлатларнинг мазкур мажбуриятларни бажаришларини кузатиб туриш учун халқаро комиссия тузилади. Бу комиссия Хавфсизлик Кенгашига ва Бош Ассамблеяга докладлар топшириб туриши керак.

5. Беш давлат қурол-яроғларини ва қуролли кучларини қамайтириш тадбирларини ўзаро келишилган қисқартишнинг белгиланган даражасигача дастлабки 50 процент миқдорида қамайтирабошлаш блан бир вақтда, давлатлар атом қуролини тамомила тақиқлаш тўғрисидаги битим кучга кирганига қадар ядро қуролини қўллаб-лмаслик тўғрисида тантанали мажбурият оладилар. Улар ядро қуролини қўлланишни ўзлари учун тақиқланган бир нарса деб ҳисоблайдилар. Агрессияга қарши мудофаа мақсадида, Хавфсизлик Кенгаши томонидан тегишли қарор қабул қилинган вақтда бу қоидадан истисно қилишга йўл қўйилади.

6. Бошқа давлатларнинг территорияларида ҳарбий, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базалари бўлган давлатлар бу базаларни тугатиш мажбуриятини оладилар.

Биринчи даврда қандай базаларни тугатиш тўғрисидаги масала ҳақида қўшимча равишда келишиб олишга тўғри келади.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши давлатлар ўртасида зарур ишончни мустаҳкамлашга ёрдам бериши ҳамда қурол-яроғларни қамайтириш ва атом қуролини тақиқлаш юзасидан иккинчи давр учун кўзда тутилган тадбирларни бажариш имкониятини енгиллаштириши лозим.

Иккинчи давр — 1957 йил мобайнида амалга ошириладиган тадбирлар

1957 йил мобайнида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Атом ва водород қуролини ишлаб чиқариш даҳоли тўхтатилади ва давлатларнинг ҳарбий эҳтиёжларга бюджетдан чиқарадиган маблағлари шунга мувофиқ суратда камайтирилади.

2. АҚШ, СССР, Хитой, Англия ва Франция ўз қуролли кучлари ва қурол-яроғларининг мазкур беш давлатдан ҳарбири ихтиёрида 1954 йил 31 декабрьгача мавжуд бўлган даражаси блан ана шу давлатлардан ҳарбирига қарашли қуролли кучлар ва қурол-яроғларнинг конвенция бўйича қабул қилган мажбуриятларига мувофиқ қисқартилган даражаси ўртасидаги тафовутнинг қолган 50 процента миқдорида бир йил мобайнида камайтирадилар. Бу давлатлар қуролли кучларга ва одатдаги қурол-яроғларга чиқарадиган ўз маблағларини шунга мувофиқ қисқартирадилар.

Бошқа давлатларнинг қурол-яроғлари ва қуролли кучларини Жаҳон Конференциясида улар учун белгиланган миқдорларда камайтириш соҳасидаги тадбирлар ҳам ана шу давр мобайнида амалга оширилиб бўлади.

3. Қуролли кучларни ва одатдаги қурол-яроғларни қисқартиш уларни камайтиришнинг умумий миқдори 70 процент ҳажмида, я'ни конвенцияда кўзда тутилган ҳажмда амалга оширилганидан кейин, атом, водород қуролини ва ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тамомила тақиқлаш кучга киради. Ана шу қуролларни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш ва уларни йўқ қилиш, қуролли кучларни ва одатдаги қурол-яроғларни келишилган миқдорларнинг қолган 25 процента миқдорида қисқартириш бир вақтда бошланади; шу блан бирга, ҳар икки процесс 1957 йилнинг муайян муддатлари мобайнида тамомланади. Шундан кейин, барча атом материалларидан тинчлик мақсадларидагина фойдаланилади.

Давлатлар атом энергиясидан тинчлик мақсадлари учун фойдаланиш соҳасида халқаро миқ'ёсда кенг ҳамкорлик ўрнатишга ёрдам бериш мажбуриятини оладилар. Бу ҳамкорлик саноатда, қишлоқ хўжалигида, медицинада ва экономика ҳамда фаннинг бошқа соҳаларида атом энергиясидан фойдаланишга доир ахборотларни эркин суратда айирбошлашга ҳам тааллуқли бўлади. Бунда иқтисодий жиҳатдан оз ривожланган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга алоҳида э'тибор берилиши лозим. Бундай ёрдам кўрсатиш учун сиёсий ёки ҳарбий характерда бирор талаб қўйиш шарт қилинмаслиги керак.

Давлатлар жаҳон миқ'ёсида қуролсизланиш ва ядро қуролини чиқариб ташлаш натижасида вужудга келадиган жамғармаларнинг бир қисмини атом энергиясидан тинчлик мақсадларида кенг фойдаланиш учун сарф қилишга интиладилар.

4. Бошқа давлатларнинг территорияларидаги четэл ҳарбий, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базаларини тугатиш соҳасидаги тадбирлар амалга оширилиб бўлади.

Юқорида айтилган барча тадбирлар амалга оширилгандан кейин, давлатларнинг ўз қурол-яроғлари ва қуролли кучларини ички хавфсизликни сақлаш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави томонидан уларнинг зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажариш учун шўбҳасиз зарур бўлган даражагача камайтираборишлари мақбул бўлиб қолади.

Хавфсизлик Кенгаши доимий а'золарининг бири бўлган Хитойнинг қурол-яроғларни камайтириш ва атом, водород қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш ҳақидаги конвенциядан чиқиб келадиган мажбуриятлари ҳақидаги масала Хитой Халқ Республикасининг иштироки блан қараб чиқилиши лозим.

ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАРНИ ҚАМАЙТИРИШ ВА АТОМ ҚУРОЛИНИ ТАҚИҚЛАШ УСТИДАН ХАЛҚАРО КОНТРОЛЬ УРНАТИШ ТЎҒРИСИДА

Қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш ҳамда атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳақидаги конвенция юзасидан олинган мажбуриятларнинг давлатлар томонидан қандай бажарилаётганлигини халқаро миқ'ёсда самарали контроль қилиш муҳим аҳамиятга эга ва зарур деб топиб, **Бош Ассамблея** қуйидагиларни қайд қилади: Ҳозирги вақтда барча давлатларнинг ишончига сазовор бўлган ва халқаро хавфсизлик манфаатларига тўла жавоб берадиган бундай контрольни ўрнатиш учун зарур шароитлар йўқ.

Ҳозирги вақтда халқаро миқ'ёсда вазият анча кескинлашганлиги ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончсизлик борлиги фактига э'тибор қилмай бўлмайди. Давлатлар ўртасида рўй берган ишончсизлик вазиятида ҳатто саноат, қишлоқ хўжалиги делегациялари, илмий, маданий делегациялар ва бошқа делегацияларни бир-бирларига юбориб туриш соҳасида ҳарқандай ғовлар вужудга келтирилаётганлигига ҳам сабаб шудир. Бундай аҳвол давлатларнинг ўз корхоналарига, айниқса ҳарбий ишлабчиқариш блан банд бўлган корхоналарига четэл контролёрларини киргизишлари ҳақида битимга келиш имкониятини қийинлаштиради. Ана шу четэл контролёрлари корхоналарда инспекция ўтказишлари мумкин бўлар эди.

Кўп давлатлар ўз хавфсизликлари тўғрисида ҳақли суратда ташвишланаётган ҳозирги вазиятда мазкур давлатларнинг ўз хавфсизлиги учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган саноат ресурсларига ва бошқа ресурсларига кириш имкониятини бошқа давлатларга ишонч блан туғдириб беришларига умид боғлаш қийиндир.

Ҳозирги вақтда давлатлар ўртасида зарур ишонч бўлмаганлиги сабабли, шундай аҳвол вужудга келиши мумкинки, бундай шароитда халқаро контроль тўғрисида қарор қабул қилиш амалда ўз олдига қўйган мақсадга эришмайдиган қуруқ расмиятчилик бўлиб қолади. Бундай аҳволга вужудга келиш учун ҳам йўл қўйиб бўлмайдики, ҳозирги шароитда атом ва водород қуролининг мавжудлиги тинчликсевар халқларни айниқса кўп ташвишга солмоқда. Атом ва водород қуроли устидан халқаро контроль ўрнатиш айниқса қийиндир.

Бундай хавф атом ишлаб чиқаришининг характеридан келиб чиқади. Шу нарса яхши ма'лумки, тинчлик мақсадлари учун атом энергияси ишлаб чиқаришдан портловчи атом материаллари запасларини тобора кўпроқ миқдорда тўплаш учун фойдаланиш мумкин. Бунинг ма'носи шуки, атом энергиясини ишлаб чиқарадиган корхоналари бўлган давлатлар тегишли битимларни бузиб, атом қуроли ишлаб чиқариш учун қўпроқ миқдорда портловчи материаллар тўплай оладилар. Тегишли миқдорда портловчи атом материаллари бўлган пайтда атом ва водород бомбаларини ишлаб чиқариш техника жиҳатидан тамомила қулай бир иш эканини ва кенг миқ'ёсларда амалга оширилиши мумкин эканлигини э'тиборга олганда, бундай ҳолатнинг хавфли эканлиги янада яққол бўлиб қолади.

Шундай қилиб, халқаро контроль қилиб бўлмайдиган ва уни четлаб ўтадиган имкониятлар бор ва халқаро контроль тўғрисида расман битим бўлган пайтда ҳам атом ва водород қуролини яширинича ишлаб чиқаришни уюштириш имконияти бор. Бундай шароитда халқаро конвенцияни имзолаган давлатларнинг хавфсизлигини гарантиялаш мумкин эмас, чунки потенциал агрессорнинг тинчликсевар давлатларга қўққисдан атом ҳужумини қилиши учун атом ва водород қуроли запасларини тўплашига имконият очиб берилган бўлар эди.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишонч муҳити вужудга келтирилмас экан, халқаро контроль ўрнатиш тўғрисидаги ҳарқандай битим халқларнинг ҳуш'ёрлигини сусайтириши мумкин, холос. Ҳақиқатда атом ва водород қуролини ишлаб чиқариш хавфи мавжуд бўлган бир шароитда, шу блан бирга, қўққисдан ҳужум қилиш хавфи ва халқлар учун жуда оғир оқибатлар келтирадиган атом урушини бошлаш хавфи мавжуд бўлган бир пайтда, халқаро контроль ўрнатиш ҳақидаги ҳарқандай битим хавф-хатар йўқлиги тўғрисида сохта туйғуларни вужудга келтириши мумкин.

Атом ва водород қуроли пайдо бўлиши блан янги уруш хавфи жуда кучайди. Янги уруш тайёргарлиги кўп миқдорда оддий қуроллар — самолётлар, артиллерия, танклар, ҳарбий-денгиз кемалари ва шу сингари қуроллари бўлган йирик ҳарбий қўшилмаларни муайян пунктларда тўплаш зарурлиги блан бевосита боғлиқ эканлигини ҳам э'тиборга олмай бўлмайди. Қуруқликдаги йирик қуроли кучларни, ҳарбий-денгиз флотини, ҳарбий авиацияни шу тахлитда концентрациялаш ва уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш йирик узел пунктлари, портлар, аэродромлар орқалигина амалга оширилиши мумкин. Агрессив уруш тайёрлаш учун бундай пунктларнинг аҳамияти ҳозирги замон ҳарбий техникаси шароитида камаймай, балки, аксинча, ортиб боради.

Уруш бошланган тақирда, зўр вайронгарчилик кучига эга бўлган атом ва водород қуроли блан бирқаторда, ҳарқандай катта урушнинг оқибати учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кўпмиллионли армиялар ва жуда кўп миқдорда одатдаги қурол-яроғлар уруш ҳаракатларига мўаррар тортилган бўлар эди.

Қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги конвенция юзасидан давлатларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қандай бажаражаклари устидан халқаро контроль ўрнатиш тўғрисидаги масалани ҳал этган пайтда буларнинг ҳаммасини э'тиборга олиш зарур.

Шундай қилиб, халқаро контроль ўрнатиш тўғрисидаги ва халқаро контроль органининг ҳуқуқлари ҳамда ваколатлари тўғрисидаги масалани халқаро вазиятдаги кескинликни камайтириш, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш юзасидан юқорида баён қилинган тадбирларни амалга ошириш ва қурол-яроғларни камайтириш ҳамда атом қуролини тақиқлашга тааллуқли бўлган бошқа тадбирларни кўриш блан маҳкам боғлаган ҳолда қараб чиқиш лозим.

Юқорида айтилганларга биноан,

Бош Ассамблея қуйидаги ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган Халқаро контроль органини тузади:

1. Қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишнинг биринчи даври учун.

а) бир давлатнинг бошқа давлатга қўқисдан ҳужум қилишига йўл қўймаслик мақсадида Халқаро контроль органи барча тегишли давлатларнинг территорияларидаги йирик портларда, темир йўл узелларида, автомагистралларда, аэродромларда ўзаро келишув асосларида контроль постларини белгилайди. Бундай постларнинг вазифаси — қуруқликдаги ҳарбий кучларнинг, шунингдек ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларининг хавфли суратда концентрация қилинмаслигини кузатиб туришдан иборат.

в) Халқаро контроль органи қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги зарур ма'лумотларни давлатлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

с) Контроль органи давлатларнинг ҳарбий эҳтиёжларга бюджетдан маблағ чиқаришларига тааллуқли материалларни, шу жумладан давлатларнинг қонун чиқаручи ва ижро этучи органларининг ана шу масала юзасидан қабул қилган ҳамма қарорларини ҳеч мони'сиз кўриб чиқади. Давлатлар конвенция (шартнома)да кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ма'лумотларни белгиланган муддатларда контроль органига топшириб турадилар.

2. Қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишнинг иккинчи даври учун.

Юқорида келтирилган Декларацияда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши, шунингдек қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камай

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиғилиши

Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳақиқий а'золари ва корреспондент-а'золарининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Академик-секретарь А. Ю. Юнусов иш якунлари ва 1955 йилги текшириш ишлари плани тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда та'кидлаб ўтилганидек, Фанлар академиясининг илмий-текшириш институтлари ва илмий муассасалари ҳисобот даврида ба'зи муваффақиятларга эришдилар. Ўзбекистон олимларининг СССР Фанлар Академияси блан ва қардош республикаларнинг фанлар академиялари блан алоқаси мустаҳкамланди ва кенгайди. Бирқанча қимматли тадқиқот ишлари олиб борилди.

Шу блан бирга, йиғилишда Фанлар академиясининг иш даражаси ва иш миқ'ёслари олдимизда турган катта талабларга ҳали тўла жавоб бермаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Кўпгина институтларда илмий ходимларнинг кучлари республиканинг ишлабчиқариш кучларини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган илмий проблемаларни ҳал этишга сафарбар қилинган эмас.

Фанлар академиясининг ишидаги жиддий камчилик шундан иборатки, илмий-текшириш ишларининг натижалари халқ хўжалигига кўнгилдагидек жорий қилинмаётир. Энергетика институти ташкил топган пайтдан буён машина-асбоблар олишга ва штатлаги ходимларни та'миплашга миллион-миллион сўм маблағ сарф қилгани ҳолда ишлабчиқаришга бирорта ҳам муҳим тавсиянома бермади. Геология институти 1954 йилда беш темани ишлаб тамомлади. Лекин буларнинг бирортаси ҳам ишлабчиқаришда жорий қилиш учун топширилган эмас. Бундай аҳвол фанлар академиясининг ишлабчиқариш блан, республикалаги министрликлар ва муассасалар блан суст алоқа боғланганлиги натижасида юз берди. Ба'зи тадқиқот ишлари халқ хўжалиги учун унча муҳим бўлмаганлиги сабабли уларни ишлабчиқаришга жорий қилишга тўғри келмади. Мажлисда айрим министрлик ва муассасалар илмий тавсияларга етарли даражада э'тибор бермаётганликлари ҳам кўрсатилди. Бу гап, даставвал, республика Госпланига ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига тааллуқлидир.

Фанлар академияси республикада илмий фикр штаби бўлиб, кўпгина илмий ходимларга ва йирик моддий-техника базасига эгадир. Фанлар академияси КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш ишига катта ҳисса қўшмоғи керак. Аммо, Фанлар академияси ўзининг ана шу энг муҳим бурчини ҳали ҳам қониқарсиз бажармоқда. Айрим олимлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини кўпайтиришда, жамоат чорвачилиги маҳсулдорлигини оширишда колхоз, совхоз ва МТСларга суст ёрдам бермоқдалар, ўз ишларида консерватизмга йўл қўймоқдалар.

Йиғилишда Фанлар академиясининг қишлоқ хўжалик институти қаттиқ танқид қилинди. Бу институт асосан ма'лум илмий тавсияларни текшириш ва уларни қўшимча равишда ишлаб чиқиш блан шуғулланиб, ўзининг тажрибаларига асосланган янги таклифларни илгари сурмади, пахтадан мўл ҳосил етиштириш тадбирлари системасини ишлаб чиқмади.

Тупроқшунослик, иншоот, ботаника, зоология ва паразитология институтлари ўз ишларини КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига асосан қайта қурганларича йўқ. Гуманитар фанлар бўлими бирлаштирган институтларнинг ишларида камчиликлар кўп. Жумладан, тарих ва археология институти «Ўзбекистон ССР тарихи» учинчи томи материалларини йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст ишламоқда.

Йиғилиш қатнашчилари ўз сўзларида илмий ишларнинг кейинда қолаётганлигига фанлар академиясининг президиуми ҳам жавобгар эканлигини ҳақли суратда кўрсатиб ўтдилар. Фанлар академиясининг президиуми институтларнинг ишларидаги камчиликларга тоқат қилиб келмоқда, айниқса илмий тематикани планлаштириш ва илмфан ютуқларини ишлабчиқаришга жорий қилиш масалаларида ташкилотчилик родини етарли даражада бажармади. Фанлар академиясининг раҳбар ходимлари ўртасида принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид кучайтирилмаган, энг муҳим масалаларни ҳал этишда коллегиячиликка ҳамиша ҳам риоя қилинаётир деб бўлмайди. Фанлар академиясининг президиуми ва унинг бўлимлари талабчан бўлмаганликлари орқасида, 1954 йилги иш планида кўрсатилган 20 дан ортиқ тема бажарилмай қолди. Фанлар академиясининг ҳақиқий а'золари ва корреспондент-а'золаридан бирқанчасининг пассивлиги академиянинг фаолиятига ёмон та'сир кўрсатди.

Илмий кадрлар тайёрлаш — фанлар академиясининг ишидаги энг қолоқ соҳадир. Аспирантларни танлаш кўнгилдагидек ўтказилмаётир, илмий раҳбарларнинг ба'зилари ўз бурчларига ҳамиша ҳам виждонан қарайдилар деб бўлмайди. Докторантура орқали кадрлар тайёрлаш жуда қониқарсиз олиб борилмоқда.

Йиғилишда та'кидлаб ўтилганидек, республика фанлар академияси ўз фаолиятини кескин суратда яхшилаш, ўз ишларини ҳозирги куннинг вазифалари даражасига кўтариш учун барча имкониятларга эгадир. Ишдаги камчиликларни қат'ий суратда йўқотиш, ижодий интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун ҳарбир илмий ходимнинг жавобгарлигини ошириш зарур.

Йиғилиш ўз қарорида фанлар академиясининг ишларини яхшилаш тадбирларини белгилади. 1955 йил учун фанлар академияси президиуми томонидан тақдим этилган илмий-текшириш ишлари плани тасдиқланди. Бу планда республиканинг экономикаси ва маданиятини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган темалар бор. Ба'зи темалар оғир индустрияни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган. Пахтачиликни, чорвачиликни ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш блан боғлиқ бўлган проблемалар планда катта ўрин олади.

Уставга мувофиқ, йиғилишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг айрим а'золари қайтадан сайланди. А. Ю. Юнусов академик-секретарь ва Фанлар академияси президиумининг а'зоси қилиб сайланди. Қуйидагилар президиум а'золари ва бўлимларнинг раҳбарлари қилиб сайланди: Т. Н. Қори-Ниёзов.— физика-математика фанлари бўлимининг раиси; Е. П. Коровин — биология ва қишлоқ хўжалик фанлари бўлимининг раиси; С. С. Канаш— шу бўлим раисининг ўринбосари; Х. М. Абдуллаев — техника ва геология-химия фанлари бўлимининг раиси; А. С. Содиқов — шу бўлим раисининг ўринбосари; Р. Н. Набиев — гуманитар фанлар бўлимининг раиси. (ЎзТАГ).

Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан Европа давлатларининг 1955 йил 11 май Варшава кенгаши тўғрисида ахборот

11 май 1955 йил эрталаб соат 10 да Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг биносида Краковское кўчаси яқинидаги жойда Европа давлатларининг Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан чақирилган Кенгаши очилди.

Кенгаш ишида Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ва Чехословакия Республикасининг делегациялари қатнашмоқда.

Кенгаш ишида кузатучи сифатида Хитой Халқ Республикасининг вакили ҳам қатнашмоқда.

Кенгаш Польша делегациясининг раиси Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси, биринчи мажлисда раислик қилучи Юзеф Циранкевичнинг кириш нутқи блан очилди.

Регламент тасдиқлангандан сўнг кенгаш ўз ишини бошлади.

Сўнгра СССР делегациясининг раиси СССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Булганин, Чехословакия делегациясининг раиси Чехословакия Республикасининг бош Министри Вильям Широкий ва Польша Халқ Республикаси делегациясининг раиси Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Юзеф Циранкевич баёнот бердилар.

Кенгашнинг кундузги мажлисида Руминия делегациясининг раиси Руминия Халқ Республикасининг бош министри Георгиу-Деж раислик қилди. Шу мажлисда Германия Демократик республикаси делегациясининг раиси бош министр Отто Гротеволь ва Венгрия делегациясининг раиси Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Андраш Хегедюш баёнот бердилар. Навбатдаги мажлис 12 майда бўлади.

Чехословакия озод қилинган куннинг 10йиллиги шарафига Прага Кремлида қабул маросими

ПРАГА, 9 май. (ТАСС). Совет Армияси Чехословакия Республикасини фашист оккупациячиларидан озод қилган куннинг 10 йиллиги муносабати блан бугун бош министр Вильям Широкий ва миллий мудофаа министри армия генерали Алексей Чепичка Прага Кремлида катта қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида республика президенти Антонин Запотоцкий, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Антонин Новотний, Миллат мажлиси раиси Зденек Фирлингер, Словакия Коммунистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Карол Бацилек, ЧКП МК Сиёсий бюросининг а'золари Яромир Доланский, Вацлав Копецкий, Рудольф Барак, ЧКП МК Сиёсий бюроси а'золигига кандидатлар Людмила Янковцова ва Отакар Шимунек, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитетининг секретарьлари, министрлар, Миллий фронт раҳбарлари, касаба союзлари Марказий кенгашининг, Чехословакия ёшлар союзининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари, фан, маданият ва сан'ат арбоблари, Клемент Готвальд Давлат мукофотининг лауреатлари, офицер ва генераллар, Озодлик куни байрамида қатнашиш учун Прагага келган область делегацияларининг раҳбарлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Совет ҳукумат делегациясининг бошлиги СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари, КПСС МК Президиумининг а'зоси Л. М. Каганович, Совет ҳукумат делегациясининг а'золари — Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. С. Коротченко, Совет Иттифоқи Маршали К. С. Москаленко, Москва Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов, Ленинград область ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. Г. Хахалина, СССРнинг Чехословакиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Н. П. Фирюбин ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Хитой Халқ Республикасининг Давлат кенгаши бош министри ўринбосари Уланьфу бошчилигидаги ҳукумат делегацияси, Польша Халқ Республикасининг Министрлар совети раиси ўринбосари Т. Гедэ бошчилигидаги ҳукумат делегацияси, Германия Демократик Республикасининг оғир саноат министри Ф. Зельбман бошчилигидаги ҳукумат делегацияси, Венгрия Халқ Республикасининг Министрлар совети раиси ўринбосари И. Хидаш бошчилигидаги ҳукумат делегацияси, Руминия Халқ Республикасининг Министрлар совети раисининг биринчи ўринбосари И. Кишиневский бошчилигидаги ҳукумат делегацияси, Болгария Халқ Республикасининг Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи секретари Т. Живков бошчилигидаги ҳукумат делегацияси, Албания Халқ Республикасининг Министрлар совети раисининг ўринбосари М. Муфтиу бошчилигидаги ҳукумат делегацияси, Корея Халқ-Демократик Республикасининг Министрлар кабинети раиси ўринбосари Тен Ир Лен бошчилигидаги ҳукумат делегацияси, Мўғулистон Халқ Республикасининг бош министр ўринбосари С. Лубсан бошчилигидаги ҳукумат делегацияси, шунингдек Вьетнам Демократик Республикаси вакили Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуэн Лонг Банг ҳам ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Чехословакия Республикаси ҳукумати ҳузуридаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва мас'ул ходимлари, Чехословакия ва четэл матбуоти вакиллари бор эди.

Қабул маросими самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Ҳиндистон парламентининг делегацияси В. И.Ленин ва И. В. Сталин мавзолейида бўлди

9 майда Ҳиндистон парламентининг делегацияси Ҳиндистон парламенти Штатлар Кенгаши Раисининг Ўринбосари Кришнамурти Рао бошчилигида В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейида бўлди ҳамда: «В. И. Ленинга — Ҳиндистон парламентидан», «И. В. Сталинга — Ҳиндистон парламентидан » деган сўзлар ёзилган гулчамбарларни қўйди. (ТАСС).

Тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Венадаги кенгаши тўғрисида

Бундан илгари матбуотда хабар берилганича, 2 майдан бошлаб Венада СССР, Франция, АҚШ ва Буюк Британия элчиларининг Австрия вакиллари иштирокида кенгаши бўлмоқда. Элчилар кенгашининг вазифаси — мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисида Давлат Шартномасининг текстини СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ташқи ишлар министрларининг, шунингдек Австриянинг кўриб чиқиши ва имзолаши учун тайёрлаб тугаллашдан иборатдир.

Элчиларнинг Шартнома текстини мувофиқлаштириш соҳасидаги иши тамом бўлаётганлиги муносабати блан, Буюк Британиянинг Москвадаги Элчиси У. Хэйтер жаноблари 9 майда СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов номига АҚШ Давлат секретари Д. Ф. Даллес жаноблари, Франция ташқи ишлар министри А. Пинэ жаноблари ва Буюк Британия ташқи ишлар министри Г. Макмиллан жаноблари мактубини юборди. Бу мактубда мазкур уч давлатнинг министрлари Австрия Давлат Шартномаси, агар шу вақтгача ҳамма нарса тайёр бўлса, 15 майда Венада имзолансин ва 14 майда тўрт давлат Ташқи ишлар министрлари ғайри-расмий суҳбат ўтказсин деб таклиф қилмоқдалар.

10 майда СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов Буюк Британиянинг Москвадаги Элчиси У. Хэйтер жаноблари орқали Д. Ф. Даллес, А. Пинэ ва Г. Макмиллан жанобларига жавоб юборди. Жавобда ташқи ишлар министрларининг учрашуви ҳақида улар таклиф этган муддатнинг мақбуллиги айтилади ва у, В. М. Молотов, 14 майда Венага келиб, ғайри-расмий суҳбатда қатнашолади дейилади. В. М. Молотов уч ғарбий давлат ташқи ишлар министрларининг Австрия блан Давлат Шартномасини 15 майда Венада имзолаш ҳақидаги таклифини мамнуният блан қабул қилганлигини ҳам билдирди.

Ҳиндистон парламенти делегациясининг Москвада бўлишига доир

Ҳиндистон Республикаси парламенти депутатларининг Штатлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Кришнамурти Рао бошчилигидаги делегацияси Совет Иттифоқи пойтахти Москвада бўлганлигининг иккинчи куни Кремльни ва унинг ҳушманзара жойларини кўриб чиқди.

Ҳиндистон парламенти делегациясининг а'золарига 8 май эрталаб Кремльда СССР Министрлар Советининг биносида бўлиш ҳамда Коммунистик партия тузган ва Совет давлатининг асосини қурган В. И. Ленининг иш кабинетини, СССР Министрлар Советининг мажлислар залини (Халқ Комиссарлари Советининг, Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг ва РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1918—1922 йиллардаги мажлислари шу залда Владимир Ильич раислиги остида ўтказилар эди), шунингдек В. И. Ленининг шу бинодаги квартирасини кўриб чиқиш имконияти берилди. Владимир Ильичнинг иш кабинети Ҳиндистон парламенти депутатларида катта таассурот қолдирди. Ҳиндистондан келган депутатлар Ленин кабинетининг китоб жавонида уларнинг мамлакатлари ҳақида сақланаётган китобларни—«Ҳиндистон миллий конгресси», «Ҳиндистонда инглиз ма'мурияти», «Ҳиндистоннинг миллий эволюцияси» деган китобларни қаяжонланиб кўздан кечирдилар, бу китоблар жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси ҳинд халқининг ахволи блан, унинг миллий-озодлик кураши блан ғоят қизиққанлигидан далолат беради.

Парламент а'зоси, ўтмишда касаба союзларнинг отоқли арбоби бўлган Диван Чаман Лал айтдики, совет йўлбошчисининг кабинетини келиб кўриш менда жуда катта та'сир қолдирди. Ленин раҳбарлигида қилинган революция халқларнинг озодлик ва миллий мустақиллик учун курашга жуда катта та'сир ўтказди ва шу сабабли ғоят катта халқаро аҳамиятга эгадир.

— Совет халқи В. И. Ленининг ҳаёти ва меҳнати блан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасини шу ҳоналарда эҳтиёт қилиб сақлаётганлиги совет кишиларининг ўз йўлбошчисига самимий муҳаббатини кўрсатучи энг яхши далилдир,—деди парламент депутати Сардор Хукам Сингх. — Ҳоналардаги жиҳозларнинг соддалиги, турмушдаги камтарлик, безакларнинг йўқлиги халқ йўлбошчиси бўлган Ленининг ажойиб образини аниқ тасаввур қилишимизга имконият беради.

Меҳмонлар Ленин ҳоналарини кўрганларидан кейин Кремльнинг архитектура ёдгорликларини кўздан кечирдилар. Улар Успенский, Благовещенский ва Архангельский соборларида бўлдилар, царь колокол ва царь пушкани ясаган моҳир рус усталарининг маҳоратига қойил қолдилар.

Парламент депутати Рамешвар Саху Кремльнинг архитектура ансамблини кўриб ҳайратда қолганлигини гапириб берди. У айтдики, ҳинд ме'морлари сингари рус ме'морлари ҳам шаклларнинг содда ва ифодали бўлишини севадилар. Кремльда кўрган нарсаларимизнинг ҳаммаси чиройлик, гўзал ва улуғвор архитектура намуналаридир.

Ҳиндистон парламенти депутатлари оруженйая палатани анча вақт айланиб юриб тамоша қилдилар. Петр Биринчининг тақиб юрадиган ханжари ғоят ноёб ишланганлиги меҳмонларнинг э'тиборини жалб қилди. Бу ханжарнинг қинига нинали готовальня, масштаб линейкаси ва циркуль жойлаштирилган. Бу ажойиб ханжарни ҳинд устаси ясаган.

Парламент делегациясининг бошлиғи Кришнамурти Рао оруженйая палатадаги қимматбаҳо буюмларни кўриб чиққандан кейин келган кишилар ўз хотирасини ёзадиган дафтарга бу ерда тўпланган коллекцияларнинг ғоят катта қимматга эга экانлиги тўғрисида ўз фикрини ёзиб, шу коллекциялардан қойил бўлганлигини баён қилди. У, Оруженйая палатанинг меҳмонларни бирга олиб юриб, уларга изоҳлар берган ходимларига ташаккур билдирди.

Ҳиндистон парламенти а'золаридан бир группаси — Н. Г. Ранга, Алгу Рай Шастри, Камал Кумар Басу, Рамешвар Саху куннинг ўрталарида «Динамо» стадионида ўтказилган футбол мусобақасида ҳозир бўлдилар.

Кечқурун Ҳиндистон Республикаси Парламентининг депутатлари ССР Иттифоқи Большой театрида ғалаба кунига бағишланиб ўтказилган тантанали мажлисда ҳозир бўлдилар. СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси А. П. Волков, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, СССР Олий Советининг депутатлари А. А. Лебедев, Х. Мавлонова, З. А. Лебедева, А. А. Сурков, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин меҳмонлар блан бирга юрдилар.

Ҳиндистон делегацияси бугун Совет пойтахтининг ҳаёти блан танишишни давом этдиради. (ТАСС).

Янги давлат заёми

А. ЗВЕРЕВ.
СССР Молия министри

Совет халқи Ҳукуматнинг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1955 йилги) Давлат заёми чиқариш тўғрисидаги қарорини ғоят баланд руҳ блан кутиб олди. Совет кишилари яхши биладиларки, янги заёмдан тушган маблағлар халқ хўжалигини янада ривожлантириш ва халқнинг моддий аҳволини яхшилаш ҳамда маданий савиясини юксалтириш тадбирларига сарфланади, Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Совет Иттифоқи халқлари Коммунистик партия ва ҳукумат раҳбарлигида коммунистик жамият қуриш йўлидан зўр ишонч блан олга бормоқдалар. Коммунизм қуриш учун курашда социалистик саноат ва биринчи навбатда оғир индустрия ҳал қилучи роль ўйнайди. 1955 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1950 йилдагига нисбатан 80 процент ортади. 5 йил мобайнида оғир саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш янада кўпроқ миқдорларда ортади. Демак, саноат бўйича бешйиллик план муддатидан илгари бажарилади.

Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини, биринчи навбатда дон етиштиришни ва чорвачиликни кучли равишда юксалтириш юзасидан Партия ва Ҳукумат қабул қилган программа муваффақият блан амалга оширилмоқда. КПСС МК январь Пленуми яқин 5—6 йил ичида дон ялпи маҳсулотини йилига камида 10 миллиард пудгача етказиш ва чорвачилик асосий маҳсулотлари етиштиришни икки баравар ва ундан ҳам зиёд кўпайтириш вазифасини қўйди.

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ғоят катта роль ўйнайди. 1956 йилда янги ўзлаштирилаётган ерларда экин майдони 28—30 миллион гектарга етади. Экин майдонларининг бу хилда ўсиши Франция ва Италиянинг иккаласидаги бутун экин майдонига тахминан тенг келади. Бу йил техника экинлари, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва жун етиштиришни кўпайтириш соҳасида катта ишлар қилинмоқда.

Социалистик экономикани ўстириш асосида халқ оммасининг турмуш даражаси юксалмоқда, ишчи ва хизматчиларнинг реал ишҳақи ва колхозчи деҳқонларнинг даромадлари кўпаймоқда. Давлат ва кооператив савдосида товарларнинг чакана нархлари бирнеча марта камайтирилганлиги натижасида аҳоли ҳозирги вақтда саноат ва озиқ-овқат товарларини шундай давлат чакана нархлари бўйича сотиб олаётирки, бу нархлар 1947 йилдагига нисбатан 2,3 баравар камдир. Бешинчи бешйилликнинг тўрт йили ичида халқ истеъмоли товарларининг давлат чакана нархлари 25 процент камайди. Бу, бешинчи бешйиллик планда кўзда тутилган топшириқ муддатдан илгари — тўрт йилда бажарилганлигини билдиради. Қишлоқ хўжалигининг товар маҳсулоти ўсганлиги ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун давлат тайёрлаш ҳамда закупка нархлари 1953 йилда оширилганлиги натижасида колхозлар ва колхозчиларнинг пул даромадлари анча ўсди. 1953 йилда колхозлар ва колхозчилар давлатга топширган ва сотган маҳсулотлари учун 1952 йилдагига нисбатан 12 миллиард сўм кўп, 1954 йилда эса 25 миллиард сўм кўп ҳақ олдилар.

1955 йилда совет халқининг моддий аҳволи янада яхшиланади ва маданий савияси янада юксалади. Миллий даромад ўтган йилдагига нисбатан 10 процент ортади. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи фонди кўпаяди, деҳқонларнинг натура ва пул даромадлари ортади, уй-жой қурилиши кенгаяди.

1955 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш планини бажариш иши халқ хўжалигидаги мавжуд моддий, меҳнат ва пул резервларини сафарбар қилишни талаб этади. 1955 йилги Давлат бюджети бутун халқ хўжалигини янада кучли равишда юксалтиришни, халқнинг моддий фаровонлигини оширишни ва маданиятини юксалтиришни, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашни зарур пул маблағлари блан та'минлайди. Халқ хўжалигини ривожлантиришга бюджетдан 222, 3 миллиард сўм, корхона ва хўжалик ташкилотларининг ўз маблағларини ҳисобга олганда 335,2 миллиард сўм ажратилади. Бу маблағларнинг асосий қисми— 163,6 миллиард сўми — металлургия, кўмир, нефть саноатини, электр станцияларни, машинасозликни ва оғир саноатнинг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришга чиқарилади. Енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга анча катта маблағлар белгиланган.

Бюджетда қишлоқ хўжалигига қилинадиган харажатлар муҳим ўрин тутади. Бу харажатлар 55,1 миллиард сўмни, корхона ва хўжалик ташкилотларининг ўз маблағларидан қилинадиган харажатлар блан биргаликда 65,2 миллиард сўмни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигини кўп миқдорда тракторлар, комбайнлар ва бошқа машиналар блан янада кўпроқ та'минлашга, янги МТС ва совхозлар ташкил қилишга ҳамда мавжуд МТС ва совхозларни мустаҳкамлашга катта маблағлар сарфланади. Бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш тадбирларига 11 миллиард сўм сарфланади. Қишлоқ хўжалик банки колхозларга ва колхозчиларга 5 миллиард сўмдан кўпроқ узоқ муддатли кредит беради, шу жумладан чорвачилик бинолари қуришга ва фермаларни механизациялашга 2.550 миллион сўм, электр станциялар қуришга ва колхозларни электрлаштиришга 250 миллион сўм, минерал ўғитлар сотиб олишга 300 миллион сўм кредит беради.

Социал-маданий тадбирларга қилинаётган харажатлар йилдан-йил кўпайиб бормоқда. Бу йил бу харажатлар 147 миллиард сўмга етади — 1954 йилдагидан 5 миллиард сўм ошиб кетади. Маориф ва маданият ишларига 68,5 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш ва физкультура ишларига 30,5 миллиард сўм ажратилади. 1955 йилда ўрта та'лим кенгайтирилади, техника мактаблари тармоғи кўпаяди, фанни янада ривожлантириш та'минланади, касалхоналар, туғуруқхоналар, амбулаториялар ва бошқа хил соғлиқни сақлаш муассасалари сони кўпаяди.

Мана буларнинг ҳаммаси СССР Давлат бюджети тинч хўжалик ва маданий қурилиш бюджети эканлигини кўрсатади. Бу бюджетда Совет ҳукумати ихчиллик блан юргизаётган ташқи сиёсат, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш сиёсати ифода қилинган.

Шу блан бирга АҚШ реакцион доиралари бошчилик қилаётган империалистик давлатлар очиқдан-очиқ янги уруш тайёрлаётганликларини Совет Иттифоқининг назарга олмаслиги мумкин эмас. Бундай шароитда Совет давлати келгусида ҳам ўз мудофаа қобилиятини оширади, халқимизнинг тинч меҳнатини мустаҳкам қўриқлаб турган Қуролли Кучларини мукаммаллаштиради. СССР Олий Совети бу йил учун мамлакатни мудофаа қилиш харажатларини 112,1 миллиард сўм миқдорида тасдиқлади.

Совет бюджетининг харажатлари асосан социалистик корхоналар ва ташкилотлардан тушадиган даромадлар ҳисобига қопланади. Жамоат ишлаб чиқаришининг тез ўсиб бориши давлат даромадларини кўпайтиришнинг мустаҳкам базаси бўлиб хизмат қилмоқда. 1955 йилда давлат корхоналари ва кооператив ташкилотлардан тушадиган маблағлар жуда катта суммани — деярли 500 миллиард сўмни ташкил этадики, бу бюджетдаги ҳамма даромадларнинг 84 процентидан ҳам кўпдир. Аҳолидан олинадиган солиқлар эса совет бюджетининг даромадларида кичкина ўринни олади (1955 йилда 8,2 процентни ташкил қилди).

Давлат заёмларини тарқатиш йўли блан аҳолининг маблағларини ихтиёрий тартибда жалб қилиш — СССР Давлат бюджетидаги даромадларнинг қўшимча манба'ларидан биридир. Халқ хўжалигини ҳамма йўллар блан ривожлантириш вазифаларини ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини янда мустаҳкамлаш зарурлигини назарга олиб, бюджетда аҳоли ўртасида заёмга ёзилиш йўли блан тушадиган заём маблағларини 1954 йилдагига нисбатан кўпайтириш кўзда тутилган.

Совет давлат заёмлари — чинакам халқ заёмларидир. Бу заёмлар халққа, тинч қурилиш ишига хизмат қилади. Улар мамлакатнинг ишлабчиқариш кучларини ривожлантиришга ва жамоат бойлигини кўпайтиришга ёрдам беради.

Совет давлат заёмлари хўжалик ва маданий қурилиш планларини бажаришга ёрдам бериши блан бирга, облигация эгаларига анча катта моддий фойда ҳам келтиради. Тўртинчи бешйиллик давридагина меҳнаткашлар заёмлар бўйича 17 миллиард сўм, бешинчи бешйилликнинг тўрт йили ичида эса 31,6 миллиард сўм ютуқ пули олдилар. 1955 йилда аҳоли 1954 йилдаги 10,2 миллиард сўм ўрнига 12,2 миллиард сўм ютуқ пули олади.

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш янги Давлат заёми 20 йил муддатга чиқарилди. Бундан аввалги заёмлардек, янги чиқарилган заём ҳам ютуқлидир: бутун даромад ютуқлар сифатида тўланади ва йилига 2 процентни ташкил қилади.

Янги давлат заёми аҳоли ўртасида — корхоналарда, муассасаларда, МТСларда, колхозларда, совхозларда, ҳунармандчилик артельларида, уй бошқармаларида ва бошқа ташкилотларда ихтиёрийлик принципига қаттиқ риоя қилган ҳолда ёзилиш йўли блан тарқатилади.

Ойига 700 сўмгача иш ҳақи ёки маош оладиган ишчилар, хизматчилар ва ҳарбий хизматчилар заёмга уч ҳафталик иш ҳақлари миқдорида, 700 сўмдан кўп оладиганлар эса ойлик иш ҳақи миқдорида ёзиладилар. Корхона, муассаса ва молия органларига ана шу кўрсатилган миқдордан ошириб заёмга ёздириш ман' этилади. Шу блан бирга кўп иш ҳақи оладиган (ойига 2000 сўмдан кўп иш ҳақи олаётган ёки шундан кўп даромади бўлган) ходимлар учун заёмга ёзилишни бир ойлик оклад миқдори блан чеклаб қўйиш керак эмас. Ходимларнинг бундай категориялари учун уларнинг истаги бўйича кўпроқ миқдорда ёзилишга рухсат этилади.

Давлат корхоналарининг, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи ҳамда хизматчилари, шунингдек ҳунармандчилик артельларининг ва инвалидлар артельларининг а'золари заём пулини иш жойларида бухгалтерия орқали тўлайдилар. Биринчи взнос 1955 йил май ойининг иккинчи яримдаги иш ҳақидан, охирги взнос эса— 1956 йил март ойининг биринчи ярмидаги иш ҳақидан тўланади. Ишчи ва хизматчилар иш жойини алмаштирганда янги иш жойида ўша ёзилган заёмини яна расмийлаштириб тўлаш ҳуқуқи уларга берилади.

Деҳқонлар заём пулини қишлоқ Советларидаги заём бўйича вакиллар орқали нақд пул блан тўлаб, заём облигацияларини оладилар, ёки 1956 йил 15 мартгача бўлган муддат блан тўлайдилар.

Заёмга ёзилиш ва заём маблағларини тўплаш — муҳим давлат тадбиридир. Партия ва Совет ташкилотлари касаба союзларининг, комсомол ташкилотларининг ва бутун жамоатчиликнинг ёрдами блан катта оммавий тушунтириш ва ташкилий ишларни кучайтириб юборишлари лозим. Агитаторлар ва пропагандистлар доклад ҳамда суҳбатларда янги заёмнинг чиқарилиши мамлакатнинг хўжалигини янада ривожлантиришга, совет халқининг фаровонлигини оширишга, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам беражагини аҳолига кенг тушунтиришлари лозим.

Меҳнаткашларни янги заёмнинг шартлари блан таништириш, шаҳар ва қишлоқлардаги барча меҳнаткашларни заёмга ёзилишга жалб қилиш, заём маблағларининг Давлат бюджетига тўла ва ўз вақтида тушишини та'минлаш зарур.

Шубҳа йўқки, совет халқи бундан аввалги йиллардагидек бу йил ҳам янги заёмни якдиллик блан қўллаб қувватлайди ва заём зўр муваффақият блан тарқатилади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ФАШИСТ ОККУПАЦИЯСИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎНИЙЛЛИГИ

ЎРТОҚ В. ШИРОКИЙ ДОКЛАДИ

Халқларимиз тарихида энг шонли ва улуғ воқиа бўлган кундан бери, мамлакатимиз қаҳрамон Совет Армияси томонидан озод қилинган кундан бери 10 йил вақт ўтди.

Бу кун бутун халқимизнинг қалбига сра ўчмайдиган хатлар блан ёзилган. Ватанимиз озодлиги учун ўз жонини фидо қилган совет қаҳодирларининг хотираси асло ўлмайди. Мамлакатимизни гитлерчи герман милитаризминнинг кишанларидан қутқариб олиб, бизга янги ҳаёт йўлига, социализм йўлига кириш имкониятини бермоқ учун кучини аямаган ва қурбонлар беришдан қайтмаган улуғ Совет Иттифоқига бизнинг муҳаббатимиз ва ташаккуримиз абадийдир.

Қаҳрамон Совет Армияси томонидан Ватанимиз озод қилинган кун айни вақтда нацист империалистик армиянинг ҳечеўзсиз таслим бўлган кунидир, совет қуролининг гитлерчилар Германияси устидан шонли ғалаба қозонган кунидир. Совет Армияси жаҳон тарихида мисли бўлмаган жуда катта курашдан кейин фақат бизларга, фақат Европадаги ва Осиёдаги бошқа бирқанча мамлакатларга озодлик келтирибгина қолмасдан, шу блан бирга, жаҳон цивилизациясини, бутун инсониятни фашистлар асорати ва вахшатидан ҳам халос қилди. Ғарб давлатлари иккинчи фронт очишни қасдан саботаж қилганларига қарамай, герман империалистларининг қўлида деярлик бутун Европанинг иқтисодий потенциали бўлганлигига ва улар Совет территориясининг анчагина қисмини вақтинча оккупация қилиб турганликларига қарамай, Совет Армияси ўзининг озод қилишлан иборат вазифасини охиригача бажарди. Бу нарса жуда оғир синовлардан ўтиб, бу синовлардан Ғарбдаги ба'зи «дўстлар» кутганидек заиф бўлиб чиқмасдан, балки янада кўпроқ чиниқиб ва ҳарқачонгидан ҳам кўра кучлироқ бўлиб чиққан Совет Иттифоқининг кучлари енгилмас эканлигини кўрсатади.

Бироқ, Совет Иттифоқи ғалабасининг халқаро аҳамияти бу блан чекланмайди. Капиталистик мамлакатлардаги кенг омма совет халқидаги ғайрон қоларлик кучнинг, совет халқи ма'навий-сиёсий бирлигининг, жуда катта муваффақиятларининг манбаи социалистик тузум эканлигини тушунди. Шу сабабли Совет Армиясининг урушдаги ғалабаси айни вақтда Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин улуғ идеяларининг, герман фашистлари ўт ва қилич блан йўқ қилмоқчи бўлган идеяларнинг ҳам тантанали ғалабаси бўлди.

Халқ оммасининг қашшоқлик, очлик, ишсизлик ва зулмдан иборат капиталистик режимни абадий тугатишга, ўз тақдирини ўз қўлига олишга бўлган иродаси ва интилиши ниҳоят даражада кучайди. Европадаги бирқанча мамлакатларда коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлигидаги халқларнинг қудратли ва тўхтатиб бўлмас ҳаракати туфайли янги, халқ-демократик-тузуми ўрнатилди, шу тузум туфайли халқ буржуа реакциясини муваффақият блан енгиб, социалистик қурилиш йўлига кирди. Шундан кейин орада кўп ўтмай Хитой Халқ Республикаси Хитойнинг бутун территориясида ғалаба байроғини кўтарди. Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушининг ва қул қилинган халқлар томонидан олиб борилаётган миллий-озодлик курашининг бевосита оқибати бўлиб социализм ва тинчликнинг қудратли лагери пайдо бўлди, бу лагерь Берлиндан тортиб Шанхайгача бўлган жуда катта территорияни ўз ичига олди ва бу территорияда қариб бир миллиард киши ўзининг бахтли келажагини қурмоқда.

Бизнинг учун шу нарса жуда катта бахтдирки, халқ-демократик Чехословакия Республикаси ҳам Совет Иттифоқи блан ёнма-ён бўлиб тинчлик мамлакатлари лагерида ўзига йўл топиб олди, ўз коммунистик партиясининг раҳбарлигидаги бизнинг халқимиз ҳам, капитализм ва империализм бўйинтурукини улоқтириб ташлаб, ўз мамлакатининг бирдан-бир қонуний хўжайини бўлиб қолиш пайти келганлигини тушунди.

Халқ-демократик давлат барпо этилганлиги, бизнинг мамлакатимизда социализм асослари қурилганлиги, — деди сўнгра Широкий, — тарихимизнинг улуғ прогрессив муваффақиятидир, халқларимизнинг азалдан орзу қилиб ва ижтоб келган умидларининг рўёбга чиққанлигидир.

Халқ демократиясининг ўн йили—халқларимиз тарихида жуда катта ижтимоий ўзгаришлар блан тўлган ўн йилдир. Буржуазия ҳокимияти ағдарилди, революцион ишчилар синфи, чехословак ишчилар синфи эса раҳбар ижтимоий куч бўлиб қолди ва Чехословакия Коммунистик партиямиз раҳбарлигидаги чехословак ишчилар синфи капитализмга ва империализмга қарши курашучиларнинг биринчи сафларида бўлиб келди, сўнгра эса, янги, социалистик жамиятнинг ташкилотчиси бўлиб қолди.

Биз янги сиёсий ва иқтисодий негизларда ўзимизнинг янги давлатимизни, халқ демократияси давлатини барпо қилдик, бу давлат пролетариат диктатураси функцияларини муваффақия ли равишда бажармоқда, бу давлат ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция блан иттифоқ бўлиб ўрнатган ҳокиятининг ўткир қуролидир, социалистик қурилишимизнинг қудратли қуролидир.

Мамлакатимизнинг муттасил ўсиб бораётган иқтисодий кучи меҳнаткашларимиз моддий даражасини ва маданий савиясини тўхтовсиз ўстиришнинг ва ватанимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг негизидир.

Ниҳоят, давлатимизнинг кучи шундан иборатки, биз улуғ социалистик давлат бўлган Совет Иттифоқининг самимий дўстлигига, ҳамкорлигига ва беғараз ёрдамига таянаётган, енгилмас социализм ва тинчлик лагеридаги барча мамлакатларнинг дўстлигига ва ҳамкорлигига таянаётган чинакам эркин ва мустақил мамлакат сифатида халқ-демократик Республикамизни барпо қилдик. Давлатимизнинг кучи яна шундан иборатки, жаҳондаги барча тинчликсевар кучлар орасида бизнинг самимий дўстларимиз бор.

Миллий фронтнинг — шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари блокининг раҳбар кучи бўлган Чехословакия Коммунистик партияси, — деб та'кидлади Вильям Широкий,— социалистик қурилишимиздаги барча муваффақиятларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчисидир. Шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан ўрнак олиб барпо қилинган бизнинг партиямиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг СССРда социализм ва коммунизм қуришдаги тажрибаларидан фойдаланиб бутун халқни жипслаштирди ва уни социализмнинг ёрқин мақсадлари сари бошлаб бормоқда.

Модомики биз бугун мамлакатимиз озод қилинган куннинг ўнйиллигини байрам қилаётган эканмиз ва социалистик қурилишимизнинг катта муваффақиятларига тўхталиб ўтаётган эканмиз, айни вақтда шу нарсани уқтириб ўтишимиз лозимки, ҳотиржам бўлиш учун бизда ҳечқандай асослар йўқ. Социализм қуриш ва тинчлик учун кураш соҳасида бизнинг олдимизда ҳали катта вазифалар турибди. Шонли партиямиз, унинг яхши ишлаши, социалистик қурилиш улуғ вазифаларини бажаришни ҳормай-толмай ташкил қилишда партиямизнинг тинмай зўр бериши ҳамда барча ташкилотлар ва партия а'золарининг сиёсий ва идеологик савиясини тинмай ошириш олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг асосий гарантиясидир.

Сўнгра Вильям Широкий бундай деди:

Чехословакия Коммунистик партияси марксизм-ленинизм та'лимотига амал қилиб ва Чехословакия экономикасининг об'ектив эҳтиёжларини ва халқнинг эҳтиёжларини назарга олиб, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг тўғри программасини, социалистик қурилиш программасини ишлаб чиқди. Социализмнинг базасини айни вақтда мустаҳкамлаш ва кенгайтириш шароитидагина мамлакат халқ хўжалигини тез ривожлантириш, ишлабчиқаручи кучларни тўхтовсиз ўстириш ва аҳоли турмушининг моддий даражасини ва маданий савиясини ошириш талабларини ўртага қўйиш ва амалга ошириш мумкин бўлди, буни ишлабчиқариш муносабатларининг ишлабчиқаручи кучлар ҳарактерига албатта мувофиқ келиши иқтисодий қонуни ҳам талаб қилмоқда. Бизнинг Чехословакия Коммунистик партиямиз Совет Иттифоқининг кенг миқ'ёсда бериб турган холис ёрдамига, унинг техникасига, қудратли ва энг илғор экономикасига таяниб туриб, социализм қуриш, саноатни қуриш ва реконструкция қилиш программасини ишлаб чиқди ва бу программани тўхтовсиз амалга оширмоқда.

Ҳозир биз қувватли машинасозлик саноатига эгамиз. Бизнинг машинасозлик саноатимиз саноатнинг бошқа тармоқларини, қишлоқ хўжалигини, қурилишни ва транспортни зарур машиналар ва усқуналар блан та'минлайолади, шунингдек мамлакатимизнинг қуролли кучларини ҳозирги замон яроғ-аслаҳалари блан та'минлайолади. Машинасозлик саноатининг ишлабчиқариш ҳажми 1937 йилдаги даражадан 3,5 баравардан зиёдроқ ошиб кетди.

Бизда кучли металлургия саноати бор, унинг ишлабчиқариш қувватини анча кенгайтирдик.

Биз кўмир чиқаришни анча оширишга, механизацияни кенгайтиришга эришдик. Планга кўра, бу йил 1937 йилдагига қараганда 29 миллион тонна миқдорида кўпроқ кўмир чиқарилади.

Бирқанча электростанциялар қуриш блан электр қуввати ҳосил қилишни анча кўпайтирдик ва энергетикани халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қараганда илдамроқ ривожлантириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз.

Сўнгра Вильям Широкий қишлоқ хўжалик масалаларига ўтди.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини оширишда, — деди у, — ҳозирча биз саноатда бўлгани сингари натижаларга эришганимиз йўқ. Қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши ўз тараққиётида саноат тараққиётидан орқада қолди ва умуман шу вақтга қадар урушгача бўлган даражадан ошгани йўқ. Бироқ, шуни э'тироф этиш керакки, ўтган йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигида ҳам ишлабчиқаришни тез ривожлантирмоқ учун асосий, жуда катта замин вужудга келтирилди.

Биз шу давр мобайнида қишлоқда социалистик кооператив ишлабчиқаришнинг дастлабки негизларини қурдик, бу эса, жуда муҳим фактдир, ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлган фактдир. Бизнинг деҳқонларимиз минглаб бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативларини ташкил этдилар.

Машина-трактор станцияларини кўпайтириб, уларни ҳозирги замон кучли машина техникаси блан та'минлаганлигимиз туфайли қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражаси анча ошди.

Халқ хўжалигини пропорционал ривожлантиришни та'минлаш нуқтаи назаридан қараганда, якин йиллар ичида қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг қолоқлигини тугатиш ва қишлоқ хўжалигининг юксак даражада сермаҳсул бўлишини ва маҳсулот чиқаришни кўпайтиришини та'минлаш зарур.

Партия ва ҳукуматимиз Чехословакия Коммунистик партияси X с'ездининг директиваларига амал қилиб, қишлоқ хўжалигига катта техника ёрдами, моддий ва молия ёрдами кўрсатмоқда ҳамда якин фурсат ичида ҳосилдорликни ва чорва молларнинг маҳсулдорлигини оширмоқ учун, республикадаги ерларнинг ҳаммасидан маҳсулдор қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантириш йўлида фойдаланмоқ учун қишлоқ хўжалигига кадрлар блан ёрдам кўрсатмоқда.

Халқ-демократик тузум барпо бўлгандан бери ўтган ўн йил мобайнида, — деди сўнгра Вильям Широкий, — меҳнаткашларнинг турмуш шароити анча яхшиланди, уларнинг моддий даражаси ва маданий савияси анча ошди.

Ўтган йиллар мобайнида эришган муваффақиятларимиз ҳеч пўбҳасиз ва катта муваффақиятлар бўлса ҳам, лекин шуни айтиб ўтиш керакки, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, ҳечшубҳасиз, ишлабчиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш соҳасида бу йилнинг ўзидаёқ ишларимизни анча яхшилашни талаб қилади.

Совет Иттифоқи гитлерчилар фашизми устидан тарихий ғалаба қозонган кундан бери ўтган 10 йил мобайнида жаҳондаги кучларнинг нисбатида катта ўзгаришлар рўй берди. Улуғ Совет Иттифоқи ва у блан ёнма-ён турган улуғ Хитой Халқ Республикаси бошчилигида жаҳон социалистик лагери вужудга келди ва бу лагерь ниҳоят даражада мустаҳкамланди. Жаҳон капитализмининг ҳукмронлиги анча заифланиб қолди.

Республикамизнинг халқаро аҳволи ҳам тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз шонли Совет Армияси томонидан озод қилинганидан кейин Совет Иттифоқи блан қилинаётган қардошларча ҳамкорлик халқ-демократик Чехословакия ташқи сиёсатининг енгилмас ва мустаҳкам асоси бўлиб қолди. Совет Иттифоқи блан ва тинчлик лагеридаги бошқа мамлакатлар блан самимий дўстлик ва ҳамкорлик, тўла тенг ҳуқуқлилик муносабатлари, бошқа давлатларнинг мустақиллигини ва манфаатларини ҳурматлаш, мана шу давлатларнинг ҳаммаси бир-бирларини ҳурмат қилишлари ва бир-бирларига ёрдамлашаётганликлари тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш истаги, қул этилган халқларнинг озодлик ҳаракати қўллаб-қувватланаётганлиги, барча мамлакатларнинг ижтимоий системаларида бўлган тафовутлардан қат'ий назар, улар блан тенг ҳуқуқли тинч муносабатлар ўрнатишга қаратилган куч ва ғайрат сарф қилинаётганлиги, — мана шуларнинг ҳаммаси халқ-демократик республикамиз ташқи сиёсатининг асосий белгиларидир. Мана шу сиёсатнинг қонуниятли оқибати шу бўлдики, ҳозирги вақтда республикамизнинг халқаро мавқе'и илгари ҳечқачон шу қадар мустаҳкам бўлмаган эди, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва ҳавфсизлиги илгари ҳечқачон шунчалик та'минланмаган эди.

Вильям Широкий Австрия ва Югославия блан муносабатлар яхшиланганлигини айтиб, сўнгра бундай деди: Бироқ, барча давлатлар блан муносабатларни яхшилашга интилаётганлигимиз ва бу тўғрида яхши ният блан иш қилаётганлигимизга яраша, биз ҳам ҳамма жойда шундай интилишга ва шундай яхши ниятга луч келаётирмиз, деб айтиб бўлмайди. Масалан, Америка Қўшма Штатлари кейинги вақтларда Чехословакияга қарши ўзининг провокация ва игволарини кучайтириб юборди.

Бутун дун'ёда прогресс кучлари бақувват ва қудратли бўлиб ўсиб турган ҳозирги пайтда Европа ва халқаро миқ'ёсда энг муҳим масала бўлган Германия масаласи, я'ни бизнинг республикамизга энг яқиндан дахли бўлган масала ҳал қилиниши ўёқда турсин, балки уни ҳал қилиш йўлига жиддий ғовлар солинаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Герман милитаризмидан иборат гитлерчи фашизмнинг Европа халқларига қутурбиқилган агрессив ҳужуми тор-мор келтирилгандан кейин орада фақат ўн йил ўтгач яқиндагина ўзлари гитлерчилар агрессиясидан оғир шикастланган мамлакатларнинг, Франция, Голландия, Бельгия, Дания ва бошқа шулар сингари мамлакатларнинг ҳукуматлари ва парламентлари берган розилик асосида ўша агрессив кучларнинг ўзи Ғарбий Европада яна тикланмоқда. АҚШ, Буюк Британия ва Франция янги вермахтнинг агрессив кучларини ўз қўллари блан тикламоқдалар. Франция ва Буюк Британия ўз ҳавфсизликлари учун шу қадар қимматли бўлган ҳужжатни, я'ни Совет Иттифоқи блан тузилган шартномани ошкора йиртиб ташлидилар ва унинг ўрнига ўз халқларининг ашаддий душмани бўлган герман милитаризми блан ҳарбий пакт тузишни ўзлари учун афзалроқ деб билдилар. Яқинда АҚШ ва унинг яқин шериклари томонидан олти ойдан кўпроқ вақт ичида зўровонлик блан таз'йиқ ўтқазиш натижасида Париж битимлари ратификация қилдиридилар. Бу нарса Европадаги умумий аҳволни жиддий равишда мураккаблаштиради ва ёмонлаштиради.

Бундай аҳволда Европадаги тинчликсевар демократик давлатлар жим турааолмайдилар ва жим турмайдилар. Москва кенгашида қатнашган мамлакатларнинг ҳукуматлари кейинги вақтларда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Шартнома тузиш масалаларини, шунингдек шу давлатларнинг бирлашган қўмондонлигини ташкил этиш масалаларини муҳокама қилдилар. Париж битимлари ратификация қилингандан кейин Москва кенгашининг қарорларидан келиб чиқадиган масалаларни муҳокама қилмоқ учун 11 майда иккинчи кенгаш чақиришга қарор қилинди. Европадаги тинчликсевар мамлакатларнинг ёппасига зўр бериши ва ғайрати блан шундай куч вужудга келтиладики, бу куч душманнинг ҳарқандай агрессив уринишларини жуда зўр зарба блан истаган вақтда даф' қилади ва емириб ташлайди.

Правардида Широкий бундай деди:

Бизнинг кўз олдимизда Чехословакияда социализм қуришнинг гўзал перспективаси тобора равшанроқ бўлиб кўринмоқда. Ўтмиш авлодлар учун фақат нурли орзу бўлган нарса, ишчилар синфимиз узоқ ва оғир жангларда, кўпинча қонли жангларда рўёбга чиқариш учун курашиб келган нарса эндиликда бизнинг ўз қўлимиз блан рўёбга чиқарилмоқда. Бу осон иш эмас, бу иш бизнинг бутун кучимизни, бутун ақлимизни, бутун иродамизни, бутун ғайратимизни сарф этишимизни талаб қилмоқда ва талаб қилади.

Севикли Чехословакиямиз яшасин ва яшнасин, меҳнаткашларимиз социалистик келажак сари дадил бўлиб борсинлар!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси, мамлакатимизда муваффақиятли социализм қуришнинг гарантияси, халқимизнинг жонажон партияси—Чехословакия Коммунистик партияси!

Халқларимизнинг халоскоримиз ва энг яхши дўстимиз — Совет Иттифоқи блан бузилмас, абадий қардошлиги омон бўлсин, ва мустаҳкамлансин!

(В. Широкий доклади вақтида улуғ Совет Иттифоқи, Коммунистик партия ва Чехословакиянинг халқ-демократик ҳукумати шарафига, совет ва чехословак халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги шарафига неча қайталаб узоқ ва гулдурос қарсаклар чалиниб турди).

ЖАҲОН ҚАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ИЖРОИЯ БЮРОСИНИНГ СЕССИЯСИ

10 майда Москвада, Союзлар Уйининг Думолоқ залида Жаҳон касаба союзлари федерацияси Ижроия бюросининг 27-нчи сессияси ўз ишини бошлади.

ВЦСПС раисининг ўринбосари Л. Н. Соловьев Касаба Союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети номидан Жаҳон касаба союзлари раҳбарларини ва халқаро ишчилар ҳаракатининг сессия ишида қатнашиш учун Москвага келган отоқли арбобларини самимий табриклади.

Кун тартибидаги биринчи модда — «Халқларнинг тинчлик учун, атом уруши планларини барбод қилиш учун ва меҳнаткашларнинг талаблари учун биргаликда олиб бораётган курашида касаба союзларнинг роли» ҳақида сессияда Жаҳон касаба союзлари бош секретари Луи Сайян доклад қилди.

У қайд қилиб ўтдики, 1955 йилнинг бошидан буён халқаро аҳвол сезиларли даражада кескинлашди, атом уруши хавфи кучайди.

Шу блан бирга, Луи Сайян халқаро аҳволнинг ёмонлашуви империалистларнинг уруш ниятларига халқларнинг эпозициясини кучайтирганлигини қайд қилиб, тинчлик учун бошланган халқ ҳаракатининг бутун дун'ёга ёйилганлиги ижобий аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

Сўнгра докладчи Европада, Осиёда ва бутун дун'ёда тинчлик учун курашни янада ривожлантириш мақсадида Жаҳон касаба союзлари федерацияси амалга оширган тадбирларга тўхталди. ЖҚСФ Бош кенгашининг 1954 йил охирида бўлиб ўтган 7-нчи сессияси қайд қилиб ўтганидек, бу кураш ҳамма мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг асосий ва кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Луи Сайян Европа ва Осиёда меҳнаткашларнинг ҳаракат бирлиги кучайиши ҳақида гапириб, ўз докладининг охирида ҳаракат бирлиги ҳақидаги масалани Ижроия бюросининг ҳозирги сессиясида муҳокама қилинадиган марказий масала қилиб қўйишни таклиф этди. (ТАСС).

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ҚОНФЕРЕНЦИЯСИ БОШ СЕКРЕТАРИНИНГ ТЕЛЕГРАММАСИ

Осиё ва Африка мамлакатлари вакилларининг Бандунг (Индонезия) конференцияси очилиши муносабати блан Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон Совет Социалистик Республикалари Олий Советлари президиумлари Конференция Президиумига табрик телеграммалари юбориб, самарали ишлашни ва Конференция олдида турган вазифаларни ҳал этишда муваффақият қозонишни тилаганликлари совет матбуотида 17 ва 18 апрельда ма'лум қилинган эди.

Конференция бош секретари Руслан Абдулгани (Индонезия) мазкур Совет Республикаларининг Олий Советлари Президиумларига жавоб телеграммалари юборди ва бу телеграммаларда Осиё ҳамда Африка мамлакатларининг конференциясига билдирган самимий тилаклари учун ташаккур изҳор қилди. (ТАСС).

ЯПОНИЯ БЛАН ХХР ЎРТАСИДАГИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ПЕКИН, 11 май. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Токио матбуотида босилган хабарларда айтилишича, Япония бош министри Хатояма парламентда нутқ сўзлаб, Японияда Хитой савдо миссияси тузилишига рози бўлажагини айтган.

Парламент қуйи палатасининг бюджет комиссиясида берилган саволларга жавоб қайтариб Хатояма бундай деган: «Биз савдо-сотиқни кенгайтириш манфаатларини кўзда тутганимизда, Японияда Хитой савдо миссияси тузилишига рухсат бермаслигимиз мумкин эмас. Мен Япония-Хитой савдосини ривожлантиришга ёрдам беручи Япония парламент иттифоқининг а'золарига бу масалада ҳамкорлик қилишимга ва'да бердим.

АНГЛИЯДА САЙЛОВОЛДИ КАМПАНИЯСИ

ЛОНДОН, 10 май. (ТАСС). Рейтер агентлиги хабар беради: Кеча Англияда 26 майда бўладиган парламент сайлови учун кандидатлар кўрсатилабошланди. Лейбористлар партияси ҳамма округларда (жам'и 630 округ ҳисобланади) ўз кандидатларини кўрсатади. Бу партия фақат бир сайлов округида кандидат кўрсатилмайди, бу округда умум палатаси спикери (раиси) овозга қўйилади. Мавжуд традицияга биноан спикерга қарши асосий сиёсий партиялар ўз кандидатларини кўрсатмайдилар. Консерваторлар партияси либераллар мустаҳкам ўрин тутган беш округдан бошқа ҳамма округларда ўз кандидатларини кўрсатади. Либераллар ҳозирча 104 кандидат кўрсатдилар.

Матбуот хабарларига қараганда, коммунистик партия 17 кандидат кўрсатади.

Четэл касаба Союз делегацияларининг Ўзбекистонда бўлиши

ВЦСПС нинг таклифи блан Корея Халқ-Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Вьетнамдан Совет Иттифоқига келган касаба союз делегациялари Ўзбекистонда бирнеча кун меҳмон бўлдилар. Четэл касаба союзларининг вакиллари республика меҳнаткашларининг турмуши блан танишдилар, Тошкент ва Бекободдаги саноат корхоналарида ва маданий-оқартув муассасаларида бўлдилар, бирқанча қишлоқ районларига бориб келдилар.

Меҳмонлар ЎзТАГ мухбири блан суҳбатда Ўзбекистонда бўлган вақтларида олган таассуротларини айтиб бердилар.

— Бизнинг сафаримиз узоқ давом этмаса ҳам, лекин самарали бўлди, — деди Корея Халқ — Демократик Республикаси касаба союзи делегациясининг раҳбари, Умумкорея касаба союзлари федерациясининг раиси Ким Ик Сен. — Тошкент тўқимачилик комбинатининг кенг ва ёруғ цехлари, Ўзбекистон металлургия заводининг мартенлари ва қувватли прокат станлари, Фарҳод гидроэлектростанцияси олдидаги бўйсундирилган дар'ё, Бекободдаги Дзержинский номли колхознинг кенг пахтазорлари абадий эсимизда қолади. Биз социалистик хўжалик системасининг, бир замонлар қолоқ ва мазлум бўлган ўзбек халқига қисқа муддат ичида ўз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда гигант қадам қўйиш имкониятини берган системанинг ажойиб самараларини ўз кўзимиз блан кўрдик. Бу муваффақиятлар бизда Корея Халқ-Демократик Республикасининг халқи танлаган йўлнинг ҳаққоний йўл эканлигига янада каттароқ ишонч туғдиради, Корея ерида эркин ва бахтиёр ҳаёт қуришида бизни янги ғалабаларга илҳомлантиради.

Суҳбат вақтида Корея Халқ — Демократик Республикасининг донгдор машинисти, Меҳнат Қаҳрамони Цой Мен Чан бундай деди:

— Мен совет кишилари блан яқиндан танишишга муяссар бўлганимдан жуда хурсандман. Бизнинг делегациямиз Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидаги каби, Тошкентда ва Бекободда бўлганида ҳам мен кўп ишчилар блан учрашдим. Бундай учрашувларнинг ҳарбири барча демократик мамлакатлардаги ишчилар учун илҳомбахш намуна бўлаётган совет кишиларининг ажойиб ютуқларини яхшироқ тушуниб олишимга ёрдам берди. Совет кишилари блан маҳкам дўстлик менга ва менинг ишдаги ўртоқларимга меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришишга имкон беради.

Мўғулистон касаба союз делегациясининг раҳбари, «Худулмур» газетасининг мас'ул редактори Д. Даржаа ўз сафари ҳақида гапириб, бундай деди:

— Бекободда бораётганимизда биз ҳамма хариталарда Мирзачўл деб аталадиган территория орқали ўтдик. География дарсликларига кўра, биз бу ерни чўл-биёбон, шўртупроқ жойлар деб билар эдик. Лекин Мирзачўл бизни пахта далалари, фабрика ва заводлари, кўм-кўк дарахтлар орасидаги йирик поселкалари блан кутиб олди. Ўзбек халқининг ижодий ишлари нақадар буюк эканлигини онглаб олиш учун шунинг ўзи кифоядир.

Мўғулистон делегациясининг раҳбари сўзининг охирида бундай деди:

— Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда юз берган ғоят катта ўзгаришлар Коммунистик партиянинг миллий сиёсатини амалга ошириш натижаси эканлигини, совет халқлари қардошлик иттифоқи ижодий кучининг ифодаси эканлигини онглаш жуда қувончлидир. Биз Ўзбекистон меҳнаткашларининг коммунистик қурилишда янги ютуқларга эришишларини чин қалбимиздан истаймиз.

Д. Даржаанинг айтган сўзларига қўшимча қилиб, Мўғулистон делегациясининг а'зоси, Улан-Баторгаги промкомбинат пойафзал фабрикасининг бичучиси, Чойбалсан мукофоти лауреати, Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ Хуралининг депутати Ц. Цэмбэл бундай деди:

— Ўзбекистон хотин-қизлари шахсан менда жуда катта таассурот қолдирди. Ма'лумки, улар, шунингдек Ўрта Осиёдаги бошқа хотин-қизлар ҳам революциядан илгари чўри ҳолида қолиб келган эдилар. Эндиликда биз ўзбек хотин-қизларининг илмий муассасаларда, фабрика ва заводларда, қишлоқ хўжалигида раҳбарлик вазифаларида ишлаётганликларини, Тошкент тўқимачилик комбинатида мингларча хотин-қиз ишчилар мураккаб машиналарни бошқараётганлигини кўрдик. Совет кишилари ўзбек хотин-қизларининг ҳаётида юз берган ўзгаришлар блан фахрланишга ҳақлидирлар.

Вьетнам касаба союзи делегациясининг бошлиги, Вьетнам Умумий меҳнат конфедерациясининг ревизия комиссияси а'зоси Нгуен Ван Хао бундай деди:

— Мустамлакачиликка қарши, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашга отланган Осиё халқлари учун — Совет Ўзбекистонининг мисоли жуда қимматлидир. Биз бу ерда кўрганларимиз тўғрисида халқимизга гапириб берамиз. Шунингдек биз ўзбек халқининг тинчликни сақлаб қолишга қат'ий бел боғлаганлиги, барча халқлар блан дўст бўлиб яшашни истаганлиги ҳақида ҳам сўзлаб берамиз. Бизнинг шу ҳақдаги сўзларимиз Вьетнам меҳнаткашларини руҳлантиради, деб ишонамиз.

Четэл касаба союзи делегацияларининг а'золари ўзларининг самимий ва дўстона кутиб олинганликлари учун Ўзбекистон меҳнаткашларига қизғин ташаккур изҳор қилдилар.

Корея Халқ-Демократик Республикаси ва Вьетнам касаба союз делегациялари 8 майда Москвага жўнаб кетдилар. Мўғулистон Халқ Республикасининг касаба союз делегацияси улардан бир кун кейин Москвага жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон биринчилиги учун шашка мусобақаси

М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон биринчилиги учун XVIII республика финал мусобақалар бошланди.

Мусобақада республиканинг энг кучли шашкачилари, ярим-финал мусобақаларнинг голиблари қатнашмоқдалар. Булар орасида Ўзбекистоннинг бултурги чемпиони спорт мастери Ш. Ёқубов (Тошкент), мастерликка кандидатлар В. Александров, Л. Берштейн, С. Гуляев, Е. Черкасский (Тошкент), И. Яворский (Термиз), биринчи разрядчилардан С. Давидов, Ф. Ҳасанов, Қ. Темиров (Тошкент), И. Раппопорт (Самарқанд), А. Круглов (Тошкент области) ва бошқалар бор.

Мусобақада конкурсдан ташқари спорт мастери Л. Хейф (Москва) қатнашмоқда.

Мусобақанинг биринчи даврасида барча шашка тахталари устида кучли курашлар бошланиб кетди. Биринчи бўлиб мастерликка кандидат Черкасский мастерликка кандидат Гуляев устидан ғалаба қозонди. Кап Яковлевни ютди. Спорт мастери Ёқубов блан мастерликка кандидат Александров ўртасидаги ўйин дуранг бўлди.

Спорт мастери Хейф (Москва) биринчи разрядчи Круглов блан бўлган учрашувда голиб чиқди. Самарқандли Раппопорт мастерликка кандидат Яворский (Термиз) ўртасидаги учрашув дуранг бўлди. Биринчи разрядчи Темиров ва мастерликка кандидат Берштейн ўртасидаги ўйин кечиктирилди. Мусобақа 29 майгача давом этади.

РЕСПУБЛИКА ҚЎПКУНЛИК ВЕЛОСИПЕД ПОЙГАСИ

Тошкент — Самарқанд — Тошкент маршрути бўйича республика биринчилиги учун кўпкунлик велосипед пойгасига старт берилди.

Кўпкунлик велосипед пойгаси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг ташаббуси блан ташкил қилинди. Мусобақага «Динамо», «Спартак», «Локомотив», «Буревестник», «Урожай» ва бошқа кўнгилли спорт жамиятларининг терма командалари қатнашмоқдалар.

Соат иккида Қизил майдондан старт берилгандан сўнг велосипедчилар Карл Маркс, Пролетар, Стрельковая, Ленин, Сапернай, Шота Руставели кўчалари бўйлаб Янгийўлга қараб йўл олдилар.

Республика биринчилиги учун ўтказилаётган бу кўпкунлик велосипедчилар пойгасининг охирги марраси 12 майда «Спартак» стадионида бўлади. Пойгачилар маррага Шота Руставели, Богдан Хмельницкий, Каганович ва Ҳамза кўчаларидан ўтиб борадилар.

ФУТБОЛ

Футболчиларнинг учрашуви

Шу йил 10 май куни Тошкент «Спартак» стадионида «Б» классдаги мастерлар командаси составида СССР биринчилиги учун ўйнаётган Саратов «Энергетик» командаси блан Тошкент спартакчилари учрашдилар.

Ўйиннинг биринчи ярми натижасиз бўлди. Ўйиннинг иккинчи ярми кучли спорт олишувлари блан ўтса ҳам, натижа 1:1 ҳисоби блан дуранг бўлиб тугади.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент ва Тошкент областида ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 22—26 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Оғриқ тишлар**, 13/V да **Қутлуғ қон**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Евгений Онегин**, 13/V да **Флория Тоска**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Муқимий**, 13/V да **Тоҳир ва Зуҳра**.

«РОДИНА», қишки НАВОИЙ номли, «ЕШ ГВАРДИЯ», қишки «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги бадиий фильм **Сўна**.

НАВОИЙ номли қишки — эрталаб соат 10 ва 11 да **Аргентинадан Мексикагача**.

«ИСКРА» (қишки) — кеч соат 9 дан **Амирликнинг емирилиши**.

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Амирликнинг емирилиши**.

«ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» кинотеатрларида—кеч соат 10 да **Михайло Ломоносов**.

«ВАТАН», ёзги НАВОИЙ номли, ёзги «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК» кинотеатрларида — **Сўна**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Тоғ кўлининг сири**, кечқурун **Атлантикада**.

Эгарчи кўча, 5